

Б  
У  
Х  
Г  
А  
Л  
Т  
Е  
Р  
  
К  
У  
Т  
У  
Б  
Х  
О  
Н  
А  
С  
И

СОЛИҚ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ  
ЯНГИЛИКЛАР - 2

НОВОЕ  
В НАЛОГОВОМ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ - 2

3



СОЛИҚ 84  
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

67.99(5У)2  
С 77

**Тахрир кенгаши:**

Раис *В.С.Беганов,*  
*Ж.Х.Абдуллаев, М.М.Перпер,*  
*У.Т.Кан, Д.И.Шаулов,*  
*М.Я.Куролов, Л.П.Югай*  
*А.М.Муродов,*

**Солиқ қоюн хужжатларидаги янгиликлар.** Серия «Библиотека бухгалтера».— Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998.— 224 с.

Тит.в. ва текст паралл. ўзб. ва рус. тилларида берилган.

**ББК 67.99(5У)2**

№ 178-98

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси  
Нусха 1200  
Карт.нусхаси 2400

**СОЛИК ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ  
ЯНГИЛИКЛАР**

**НОВОЕ  
В НАЛОГОВОМ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ**

**СОЛИҚ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ  
ЯНГИЛИКЛАР**

**Тошкент — 1998**

Тўпلامда 1998 йилдан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қўзда тутилган солиқларни бюджетга ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йуриқномалар тақдим этилган.



1174

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
1997 йил 19 декабрда 379-сон билан  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
36-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
97-96-сон

1997 йил 19 ноябрь

**ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН  
ТОВАРЛАР БЎЙИЧА АКЦИЗ СОЛИҒИНИ  
ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
ЙЎРИҚНОМА**

(1998 йил 1 январдан бошлаб жорий этилади)

**I. Умумий қоидалар**

Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг V бўлимига мувофиқ ишлаб чиқилган ва бюджет билан акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоблар тартибини белгилайди.

1. Акциз солиғи соф даромаднинг нарҳда ва қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинadиган, билвосита солиқ сифатида бюджетга ўтказиладиган (ундириладиган) бир қисмидан иборатдир.

Акциз солиғи ставкалари ва акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга етказилади.

2. Ушбу йўриқнома қоидалари пахта толаси бўйича акциз солиғининг ҳисобланиши тартибига тегишли бўлмайди, бу борада алоҳида тартиб қўлланилади.

## II. Акциз солиғини тўловчилар

3. Акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарадиган юридик шахслар мазкур йўриқномага кўра акциз солиғини тўловчилар ҳисобланади. Солиққа тортиш мақсадларида, ушбу Йўриқномада юридик шахслар деганда ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб варағига эга корхона ва ташкилотларнинг ҳамма турлари (шу жумладан, уларнинг алоҳида бўлинмалари) тушунилади.

## III. Солиқ солинадиган объект

4. Юклар жўнатилган, шу жумладан, шартномавий (эркин) нархлар бўйича берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган (акциз солиғи суммасини ўз ичига оладиган) қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги товар қиймати ёки унинг физик ҳажми акциз солиғи солинадиган товарлар учун солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Акциз солиғи солинадиган товарни натурал ҳақ тўлаш сифатида ёки бепул берилиши ҳам солиққа тортиладиган объект ҳисобланади. Бунда солиқ тўловчида товарни бериш пайтида таркиб топган, лекин бундай акциз солиғи солинадиган товарнинг ишлаб чиқарилишига доир амалда таркиб топган харажатлардан паст бўлмаган нархлар даражасида ҳисоблаб чиқилган қиймат солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

## IV. Акциз солиғини ҳисоблаш тартиби

5. Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$\frac{O \times A}{100}$$

- бунда** О — акциз солиғи суммасини ўз ичига оладиган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) нарх;
- А — акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғининг ҳисоб-китоби ушбу йўриқномага 1-иловада келтирилган.

### **V. Акциз маркалари ёпиштирилган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари**

6. Акциз маркалари ёпиштирилган товарлар бўйича акциз солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисобланб чиқилади. Бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғини тўлаш ҳисобига ҳисобга олинади (ҳисоб-китоб намунаси ушбу йўриқномага 2-иловада келтирилган).

### **VI. Берилган хом ашёдан ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари**

7. Бухгалтерлик ҳисоби ҳақидаги қонунчиликка мунофиқ берилган хом ашё маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинди.

Берилган хом ашёдан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга акциз солиғини ҳисоблашда, акциз солиғига тортиладиган, маҳсулотнинг сотилишига доир айланма бундай товарларни ишлаб чиқаришга оид ишлар қиймати ва берилган хом ашё қиймати асосида белгиланади.

### **VII. Акциз солиғи бўйича имтиёзлар**

8. Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:
- а) акциз солинадиган товарларнинг экспортга етказиб берилиши.

Мабодо Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган ҳукуматлараро битимларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, МДХ мамлакатларига қуйидаги тарзда экспортга етказиб беришларга бундай имтиёз тегишли бўлмайди:

- акциз солинадиган маҳсулотларнинг ушбу давлатлар миллий валютасига етказиб берилиши;

- акциз солинадиган хом ашё товарлари (нефть, табиий газ, пахта толаси) нинг етказиб берилиши;

б) пахта ёғининг саноат мақсадларида фойдаланиш учун етказиб берилиши.

### **VIII. Акциз солиғини тўлаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари**

9. Тўловчилар томонидан ушбу йўриқноманинг 5-бандига мувофиқ амалдаги сотиш ҳажмидан килиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилган акциз солиғи суммаси қуйидаги муддатларда бюджетга тўланади:

- ◆ жорий ойнинг 13 кунигача — жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

- ◆ жорий ойнинг 23 кунигача — жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

- ◆ навбатдаги ойнинг 3 кунигача — ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни деб ҳисобланади.

**Изоҳ:** Акциз солиғининг ўн кунлик тўловлар бўйича келиб тушган суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтнинг ўзида солиқнинг «ҳисобланиши» ва «тўланиши» устунларида акс эттирилади.

10. Солиқ тўловчи ўзи рўйхатдан ўтган тегишли солиқ хизмати идорасига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20 кунигача акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни ушбу йўриқномага 3-иловада келтирилган шакл бўйича, унга солиқ солинмайдиган айланмалар сумма-

лари кўрсатилган маълумотномани илова қилиб тақдим этади.

11. Акциз солиғини тўлаш, шунингдек тегишлича ҳисоб-китобларни тақдим этишнинг дам олиш (иш куни бўлмаган) ёки байрам кунига тўғри келадиган муддатлари дам олиш ёки байрам кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

12. Ҳисобот даври давомида ўн кунлик тўловлар билан ўтказилган акциз солиғи суммалари тегишли ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган солиқ суммасида ҳисобга олиниши лозим бўлади.

Акциз солиғининг ортиқча тўланган суммалари келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олинади ёки солиқ хизмати органи томонидан тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб (бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлмаслик шарти билан) 30 (ўттиз) кунлик муддатда унга қайтарилади.

## **IX. Акциз солиғининг ҳисобга олиниши**

13. Акциз тўланадиган товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи тўланган хом ашё (маҳсулот) дан ишлаб чиқарилгани ҳолатида хом ашё (маҳсулот) бўйича тўланган акциз солиғи суммаси ишлаб чиқариш харажатларига киритилмайди, балки тайёр маҳсулотга акциз солиғи суммасини ҳисоблашда ҳисобга олинади (ҳисоб-китоб намунаси ушбу йўриқномага 4-иловада келтирилган).

Акциз тўланадиган тайёр маҳсулотни истеъмолчилик тараларига қуйиш (қадоқлаш) учун оладиган корхоналарга ҳам шунга ўхшаш тартиб тааллуқли бўлади.

Масалан, пахта ёғини кейинчалик идишларга қуйиш учун оладиган корхонада бюджетга ўтказилиши лозим бўлган акциз солиғи истеъмолчилик идишларига қуйилган пахта ёғи бўйича ҳисобланган акциз солиғи суммаси билан транспорт тарасида олинган пахта ёғи бўйича акциз солиғи суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

14. Ҳисобга олинishi лозим бўлган акциз солиғи суммаси устидан назорат амалга оширилиши учун хом ашё (маҳсулот) етказиб берувчилар юклаб жўнатилган хом ашё (маҳсулот) бўйича бюджетга ўтказилиши лозим бўлган акциз солиғи суммасини товарга илова қилинадиган ҳужжатларда алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатиши керак.

Мабодо сотиб олинган акциз тўланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси товарга илова қилинадиган ҳужжатларда алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатилмаган бўлса, унда у ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ҳисобланмайди ва тайёр маҳсулот бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинмайди.

15. Ҳисобга олинishi лозим бўлган акциз солиғи суммаси алоҳида таҳлилий ҳисобварақда ҳисобга олинади ва хом ашёнинг ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилишига қараб 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебетига тегишли улушда ҳисобдан чиқарилади.

## **Х. Акциз солиғи бўйича бухгалтерлик ҳисобини юритиш тартиби**

16. Акциз солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг «Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоблар» илова ҳисобварағида юритилади.

Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган акциз солиғининг ҳисоблаб чиқилган суммаси 46-«Маҳсулотларнинг сотилиши» ҳисобварағининг дебети ва 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади. Акциз солиғи суммасининг бюджетга ўтказилиши 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг дебети бўйича тегишли ҳисобварақлар билан ўзаро боғлиқликда акс эттирилади.

Акциз маркаларини олишда 56-«Пуллик ҳужжатлар» ҳисобварағининг дебети ва 51-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағининг кредити бўйича бухгалтерлик ёзуви амалга оширилади.

Марка ёпиштирилган маҳсулотнинг юклаб жўнатилишига қараб 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисоб-парафининг дебети ва 56-«Пуллик ҳужжатлар» ҳисобва-рининг кредити бўйича бухгалтерлик ёзуви амалга оширилади.

## **XI. Тўловчиларнинг жавобгарлиги**

17. Солиқни тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **XII. Давлат солиқ хизмати органларининг назорати**

18. Акциз солиғининг тўғри ҳисобланиши ва бюджетга ўтказилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, ушбу йўриқнома ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.



Ушбу йўриқнома амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 1996 йил 5 ноябрда 71/96-89-сон билан тасдиқлаган ва Адлия вазирлиги 1996 йил 24 декабрда 295-сон билан рўйхатдан ўтказган Йўриқномаси ва у юзасидан берилган ҳамма тушунтириш хатлари ўз кучини йўқотади.

**Э. ГАДОЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Молия вазирининг*  
*биринчи ўринбосари*

**М. ҚУРОЛОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Давлат солиқ қўмитаси*  
*раисининг биринчи*  
*ўринбосари*

**Акциз солигининг ҳисоб-китоби учун  
МИСОЛ**

Акциз солиғи суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидаги формула бўйича шартномавий (эркин) нарх (шу жумладан, акциз) аниқланади:

$$O = \frac{C \times 100}{100 - A}$$

- бунда O — акциз солиғи суммасини ўз ичига оладиган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) нарх;  
C — корхонанинг ҳисоб-китоб нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри);  
A — акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\frac{O \times A}{100}$$

**Акциз солигининг ҳисоб-китоби учун  
шартли мисол**

	Маҳсулот бирлиги, сўмларда
1. Корхонанинг ҳисоб-китоб нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри)	45-50
2. Акциз солиғи ставкаси, фоизларда	65
3. Акциз солиғи суммасини ўз ичига оладиган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) нарх, сўмларда	
$\frac{1\text{-сатр} \times 100}{100 - 2\text{-сатр}} = \frac{4550}{35}$	130-00
4. Акциз солиғи суммаси $\frac{130 \times 65}{100}$	
ёки (3-сатр - 1-сатр)	84-50

ЎзР МВ ва ДСҚнинг 1997 йил 19 ноябрдаги  
36/97-96-сон Йуриқномасига

2-илова

**Акциз маркалари номинал қийматининг ҳисобга олинишини белгилаш учун  
М И С О Л**

(рақамлар шартли, сўмларда)

Маҳсулот номи	Солиқ соли- надиган сотиш ҳажми	Акциз солиғи суммаси, белги- ланган ставка бўйича	Солиқ со- линадиган ҳажмга тўғри кела- диган акциз маркалари сони, дона	Бир дона акциз маркаси қиймати	Акциз маркалари учун ҳисобга олиш суммаси (4-ус. х 5-ус.)	Тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси (3-ус. - 6-ус.)
1	2	3	4	5	6	7
Ароқ, 0,5 л	700 000	455 000	10 000	0,14	1400	453 600

\_\_\_\_\_ давлат солиқ хизматига  
\_\_\_\_\_ дан  
(корхонанинг тўлиқ номи)

Солиқ хизматининг  
тўртбурчак муҳри  
ёки белгиси

Масъул (ижрочи)  
шахснинг фамилияси \_\_\_\_\_  
тел. \_\_\_\_\_ Факс \_\_\_\_\_  
Манзил \_\_\_\_\_  
стир [ ] [ ] [ ] [ ] [ ] [ ] [ ] [ ] [ ] [ ]

199\_\_ й. \_\_\_\_\_ да  
олинди  
имЗО: \_\_\_\_\_

199\_\_ й. \_\_\_\_\_ ой учун  
**АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ**

Акциз туланадиган товарлар номи	Юзлаб жуматилган товарларнинг ҚҚС-сиз шартномавий (эркин) нархларидаги қиймати		АКЦИЗЛАР		АКЦИЗЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ЯҚУНЛАРИ			Бюджет билан ҳисоб-китоб сальдоси камайтиришга қайта тўлашга +
	жами	шу жумладан солиқ солинадиган айланмага	солиқ солинадиган айланмага нисбатан, %	бюджетга ўтказилиши лозим бўлган акциз солиғи ҳисобланган (3-ус. х 4-ус.):100	ун қўнлик туловлар билан тўланган суммалар	ҳисобга олиниши лозим бўлган суммалар		
1	2	3	4	5	6	7	8	9
						акциз солиғи тўланган хом ашё ёки маҳсулот бўйича	акциз маркалар бўйича	

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(ҳисоб-китоб тақдим этилган сана)

Корхона раҳбари \_\_\_\_\_  
имЗО (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
имЗО (Ф.И.О.)

**Ҳисобга олиш бўйича инспекторнинг маълумотномаси**

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисобварагида ҳисобланди: \_\_\_\_\_ сўм.

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(утказма санаси)

Ҳисобга олиш бўйича инспектор \_\_\_\_\_  
имЗО (Ф.И.О.)

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида  
акциз солиғи тўланган хом ашёдан ишлаб  
чиқарилган маҳсулот бўйича тўланадиган  
акциз солиғини аниқлаш учун  
МИСОЛ**

(четдан сотиб олинадиган вино материалларидан,  
вино ишлаб чиқарадиган корхона мисолида)

	1 дал учу сўмларда
1. Акциз тўланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар (хизматлар) қий- мати	60-00
2. Вино материаллари қиймати (акциз со- лиғисиз)	170-00
3. Хом ашёни қайта ишловчи корхонанинг ҳисоб-китоб нархи (1-сатр + 2-сатр)	230-00
4. Винога акциз солиғи ставкаси, %	40-00
5. Маҳсулотни сотишга доир айланма (ак- цизни ҳам ҳисобга олган ҳолда), ҚҚСсиз	
$\frac{230 \times 100}{100 - 40} =$	383-30
6. Тайёр маҳсулот бўйича ҳисобланган ак- циз солиғи суммаси	
$\frac{383 - 30 \times 40}{100}$	153-30
7. Сотиб олинган вино материаллари бўйи- ча тўланган, ҳисобга олинishi лозим бўлган акциз солиғи (20%) суммаси	
$\frac{170 \times 100}{100 - 20} = \frac{212 - 50 \times 20}{100}$	42-50
8. Бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси (6-сатр - 7-сатр) ёки (153-30 - 42-50)	110-80

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
1998 йил 13 мартда 412-сон билан  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири ўринбосари

Э.Гадоев

04-02-05/142-сон

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси  
раиси ўринбосари

С.Орипов

05/8-227-сон

1998 йил 28 февраль

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ОЛИБ КЕЛАДИГАН,  
АКЦИЗ СОЛИФИГА ТОРТИЛМАЙДИГАН  
ТОВАРЛАРНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ МЕЪЁРЛАРИ**

1. Жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келадиган, акциз солиғига тортилмайди ган товарларнинг мазкур энг юқори меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йи. 24 февралдаги «Импорт тарифларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 80-сон қарорига мувофиқ белгиланган.

2. Жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келадиган, акциз солиғига тортилмайди ган товарларнинг энг юқори меъёрлари барча жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларига татбиқ этилади, жисмоний шахслар манзилига Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан келиб тушаётган товарлар бундан мустасн (халқаро почта жўнатмалари бунга кирмайди).

3. Ўзбекистон Республикасига келаётган жисмоний шахсларга иловада кўрсатилган миқдордаги товарлар

ни акциз солиғи тўламасдан олиб келишга рухсат берилади.

4. Иловада келтирилган мазкур меъёрлардан ортиқча миқдорда товарларни олиб келиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 80-сон қарори билан белгиланган ставкалар бўйича акциз солиғини тўлаган ҳолда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Олиб келинаётган товарларнинг бож қийматини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 январда 390-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг бож қийматини белгилашга доир йўриқномага биноан амалга оширилади.

6. Акциз солиғи ставкалари ва энг юқори меъёрлар жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасидаги доимий яшаш жойига кўчиб келаётганида олиб келадиغان товарларга (автомобиллардан ташқари) татбиқ этилмайди.

NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-resurs markazi

Namangan  
1974

Жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси  
худудига олиб келадиган, акциз солиғига тортилмайдиган  
товарларнинг энг юқори меъёрларига  
Илова

Жисмоний шахслар олиб келадиган, акциз солиғи тўланмайдиган товарлар меъёрлари

Товар гуруҳи рақами	Товар номи	ТИФ ТН бўйича товар коди	Олиб келинадиган, акциз солиғига тўланмайдиган товарлар меъёри (бир шахста)
1	2	3	4
09	Кофеинли ёки кофеинсиз қовурилган ёҳуд қовурилмаган қаҳва	0901	2 кг
15	3 кг га қадар қадокланган қора ва кўк чой	090210000 090230000	3 кг
16	Ўсимлик ва мол ёғи	15	10 кг
17	Осётр увилдириғи (икраси)	160430100	0,5 кг
18	Увилдириқ ўрнини босувчилар	160430900	1 кг
19	Шакар	1701	10 кг
20	Қандолатчилик маҳсулотлари	1704	5 кг
21	2 кг дан ортиқ плиткали ва брикет шоколадлар	180620	5 кг
20	Дон, бошоқли ғалла ўсимликларидан тайёрланган маҳсулотлар, крахмал ва ун, хамирдан тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари	19	10 кг
21	Сабзавот, мева, ёнғоқ ёки бошқа ўсимликларни қайта ишлаш маҳсулотлари	200110-20019020 2002, 2006-2009	5 кг
21	Аралаш озиқ-овқат маҳсулотлари	21	2 кг

1	2	3	4
	Пиво	2203	2 л
22	Алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар (цитруслилардан ташқари)	2202, 220950-220980	2 л
	Алкоголли маҳсулотнинг барча турлари (пиводан ташқари)	2204-2206, 2208	2 л
	Этил спирти*	2207	—
24	Тамаки маҳсулотларининг барча турлари	240210000, 240220000, 240290000	10 қути сигарет, сигара, папирос
27	Бензин	271000250	автотранспортни тайёрлов- чи завод ўрнатган бензо- бакдагидан ташқари 40 л
33	Атир-упа	33	ҳар бир номдагидан 2 бирлик
34	Автокосметика	34	ҳар бир номдагидан 2 бирлик
	Ювадиган, тозалайдиган воситалар	3402	5 кг
42	Табиий ва сунъий чармдан ясалган буюмлар, бундан мактаб портфель ва ранецлари мустасно	420212, 420310000	ҳар бир номдагидан 1 бирлик, лекин 3 бирлик- дан оширмасдан
	Табиий чармдан тайёрланган кийим ва кийим анжомлари	4203	ҳар бир номдагидан 1 бирлик, лекин 3 бирлик- дан оширмасдан
43	Табиий мўйнадан тайёрланган устки кийим ва бош кийимлар	43	ҳар бир номдагидан 1 бирлик, лекин 3 бирлик- дан оширмасдан
57	Гилам ва гилам маҳсулотлари	5701-5705	15 кв. м

1	2	3	4
61	Машинада ва кўлда тўқилган трикотаж буюмлар	61	хар бир номдагидан 1 бирлик
63	Чойшаб, ёстиқ жилдлари	6302	5 комплект
69	Керамик буюмлар	6904, 6905, 6907, 6908, 6910, 6911, 6913, 6914	1 комплект, лекин 24 бирликдан оширмасдан
70	Биллур идиш-товоклар	701321	1 комплект, лекин 12 бирликдан оширмасдан
71	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари Безак буюмлари	71	умумий оғирлиги 30 граммдан дан ошмайдиган 5 буюм
82	Ошхона анжомлари, пичоқ, қошиқ, санчки ҳамда носал металллардан тайёрланган, шу жумладан устига қимматбаҳо металллар қопланган бошқа буюмлар	7117	0,5 кг дан ошмаган миқдорда
85	Видео- ва аудиоаппаратура	8211, 8215	1 комплект, лекин 24 бирликдан оширмасдан
87	Енгил автомобиллар (шу жумладан минилганлари)*	8520, 8521, 8528	хар бир номдагидан 1 бирлик, лекин 3 бирликдан дан оширмасдан
91	Барча турдаги соатлар	8703	—
94	Мебель (тиббий мебелдан ташқари)* Қандиллар, ёритиш анжомлари	91 94 (9402 дан ташқари) 940510	2 бирлик — 2 бирлик

### Изоҳ:

товар тури ёки номи деганда жисмоний шахс олиб келадиган товар ёки буюмнинг кўрсатилган миқдори тушунилади.

\* Автомобиль, мебель ва этил спиртига акцизсиз олиб келишнинг энг юқори меъёрлари белгиланмайди.

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
1998 йил 5 февралда 404-сон билан  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
39-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
97-101-сон

1997 йил 28 ноябрь

## **ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА**

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилаб беради.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса бир ставкаси миқдорида бўлиши лозим.

Ер ижарачиларини ҳисобга олиш, ижарага олинган ер учун ижара ҳақи ҳисоб-китобларини тақдим этиш, ижара ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш ер солиғи учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

1.3. Белгиланган тартибда берилган ер учун солиқ ер участкасидан фойдаланилгани ёки фойдаланилмаганидан қатъи назар тўланади. >

## **2. Ер солиғи ва ижара ҳақи тўловчилар**

2.1. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчиларидир.

2.2. Белгиланган тартибда ягона солиқ тўланадиган солиқ тўлашнинг соддалаштириш тизимига ўтган кичик корхоналар ер солиғи тўловчилари ҳисобланмайди.

## **3. Ер солиғи солинадиган объект**

3.1. Юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

2) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;

4) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

3.2. Жисмоний шахслар учун солиқ солинадиган ер участкалари қуйидагилардан иборат:

1) турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) яқка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;

5) ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда мерос бўйича эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

#### **4. Ер солиғи ставкалари**

4.1. Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган умумий тартибда солиқ тўловчиларга етказилади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставка бўйича ундирилади.

4.2. Шаҳарлар ва шаҳарчалар маъмурий чегараларида жойлашган ва қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

4.3. Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорда ундирилади.

4.4. Ер участкаларининг маъмурий ва саноат марказларига нисбатан жойлашишига қараб қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги оширувчи коэффицентлар қўлланилади:

- ▲ Тошкент шаҳри атрофида 20 километрлик доирада — 1,3;
- ▲ Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоятлар маркази атрофида 15 километрлик доирада — 1,2;
- ▲ туман марказлари атрофида (туман маъмурий чегараси доирасида) 10 километрлик доирада — 1,15;
- ▲ бошқа шаҳарлар теъдидида 5 километрлик доирада — 1,1.

Ер участкаларига бўлган масофа шаҳарлар ва туман марказлари маъмурий чегарасидан автомобиль йўллари бўйича аниқланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, шаҳарнинг функционал вазифаларига мос келадиган энг катта коэффициент қўлланилади.

Бир аҳоли пункти ёки қишлоқ хўжалик корхонаси ва ташкилоти атрофида ягона ставка белгилаш мақсадида улар ҳудудининг қандай қисми қайси зонага киришига қараб, уларни бутунлай шаҳар атрофидаги зонага киритиш ёки мазкур зонадан бутунлай чиқариб ташлаш таклиф этилади.

4.5. Қишлоқ жойлардаги ер участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан олинган ер солиғи ставкаларига тупроқ бонитетига қараб қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

40 баллгача	— 0,75;
41 баллдан 70 баллгача	— 1,00;
70 баллдан юқори	— 1,25.

4.6. Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари маъмурий чегарасида жойлашган конлар ва очиқ конлар билан банд бўлган ерлар учун ер солиғи шаҳарлар ва шаҳарчаларда жойлашган юридик шахслар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўлланилиб тўланади.

4.7. Асосий фондларни сотиб олиш ҳуқуқи билан хусусий эгаллик қилишга жисмоний шахсларга берилган боғлар ва токзорлар билан банд бўлган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалик ерлари учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланади.

## 5. Ер солиғи бўйича имтиёзлар

### **5.1. Солиқ солинмайдиган ер участкалари куйидагилардан иборат:**

5.1.1. Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, ариқ тармоқлари, қабристонлар ва бошқалар).

5.1.2. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Уларга борадиган йўллар, суғориш тармоқлари, коллекторлар ва бошқа умумий фойдаланишдаги ерлар киради.

5.1.3. Табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат кўрикхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар; ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), ихота дарахтлари эгаллаган ерлар.

5.1.4. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тарихий-маданий кўрикхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар).

5.1.5. Сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар).

5.1.6. Электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Янги ҳаво ва кабель электр линияларини қуриш учун ерлар қурилиш даврида вақтинча фойдаланиш учун ажратилади, электр линияларидан доимий фойдаланишга ерлар фақат 1000 вольтдан юқори кучланишли электр линияларининг устунлари, кабель электр линияларининг ер устидаги иншоотлари, кучланишни камайтирадиган

подстанциялар, тақсимлаш ва секциялаш пунктлари билан банд ер участкалари ажратилади.

Электр линияси учун устун остидаги ер майдони амалда эгаллаб турган жойига унинг атрофидаги доирадан линия 2 киловаттдан 20 киловаттгача бўлса 1 метр кўшиб, кучланиш 35 киловаттдан 540 киловаттгача бўлса 2 метр кўшиб ҳисобланади. Кучланиши 1000 вольт дан кам бўлган электр линиялари учун устунлар эгаллаган жойлар солиқ солинадиган майдондан чиқариб ташланмайди.

Шу муносабат билан қурилиш учун ажратилган бутун ер участкаси қурилиш даврида ер солиғини тўлашдан озод қилинади, фойдаланиш чоғида эса кучланиши 1000 вольтдан юқори бўлган электр линиялари устунлари банд қилиб турган ерлар, шунингдек улардаги иншоотлар, подстанцияларнинг ўринлари солиқдан озод қилинади.

Умумдавлат алоқа линиялари ҳаво, кабель, радиореле ва сунъий йўлдош алоқа линияларидан иборат. Одамлар хизмат қиладиган ва хизмат қилмайдиган кучайтириш пунктлари, регенерация пунктлари, телефон каналзацияси, қудуқлар, шкафлар, телефон контейнерлари, ўлчов устунлари, кўрсаткич устунлари, алоқа линияларида шлагбаумлар, антенна ўрнатилган майдонлар алоқа линиялари иншоотлари таркибига киради. Радиотелевизион станциялар, узел ва оралиқ станциялар, қабул қилиш ва узатиш радио марказлари, шаҳарлараро алоқа ва телевидение техник узеллари, маъмурий, ёрдамчи ва қўшимча бинолар билан банд бўлган ерлар учун ер солиғи белгиланган умумий тартибда тўланади.

5.1.7. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва улардаги иншоотлар билан банд бўлган ерлар. Кўприклар, кьоветлар, йўл четидаги захира майдонлар, банкет кетидаги ариқлар, юқоридан сув чегириш каналлари, қияликларга ўрнатилган тўсиқлар ва қияликлар барқарорлигини таъминлайдиган тўсиқлар, автобус бекатлари, йўл четларидаги тўхташ жойлари, трак-

гор йўллари, пиёдалар ва велосипедчилар йўллари, автомобиль йўллари учун ажратилган майдонда жойлашган кўчкига, селга, ер сурилишига қарши ва бошқа ҳимоя иншоотлари эгаллаб турган ерлар автомобиль йўлларидаги иншоотларга киради.

5.1.8. Умумий темир йўллар ва улардаги иншоотлар билан банд бўлган ерлар. Темир йўл станцияси доирасидаги асосий, станция ва саралаш темир йўллари эгаллаб турган ерлар солиқ тўлашдан озод қилинган ер участкаларига киради.

Саноат корхоналари ва ўзга корхоналарнинг тармоқ темир йўллари банд қилган ерлар учун белгиланган тартибда солиқ тўланади.

Темир йўллардаги иншоотлар таркибига захиралар, кавальерлар, сувни темир йўл остидан ўтказувчи, темир йўлни мустаҳкамловчи ва ушлаб турувчи иншоотлар, йўл четларидаги қордан ҳимоя қилиш ва қумларни мустаҳкамлаш тегралари, тортувчи подстанциялар, туннеллар ва шунга ўхшаш сунъий иншоотлар ва йўл қурилмалари киради.

5.1.9. Умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари (метрополиген станциялари банд қилган ерлар ҳам) ҳамда улардаги иншоотлар банд қилиб турган ерлар. Ушбу имтиёз трамвай йўллари ва троллейбус линиялари, метрополитен линиялари, трамвай ва троллейбус бекатлари, жумладан диспетчерлик пунктлари, метрополитен станциялари ҳамда шаҳар электротранспорти йўлларидаги бошқа иншоотлар банд қилиб турган ерларга нисбатан қўлланилади. Маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар, депо, қурилиш ва таъмирлаш иншоотлари билан банд бўлган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

5.1.10. Спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар.

5.1.11. Магистрал сув қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва улардаги иншоотлар, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар. Сув таъминоти ва канализациянинг бошқа иншоотлари таркибига насос станциялари, қузатиш қудуқлари ва аҳоли пунктларидаги сув қувурлари ва канализация тармоқларининг дюкерлари, сув кўтариш миноралари ва шунга ўхшаш иншоотлар киради.

5.1.12. Магистрал газ қувурлари ва нефть қувурлари ҳамда улардаги иншоотлар билан банд бўлган ерлар. Иншоотлар таркибига ёнғинга қарши ва аварияга қарши иншоотлар, қувурларни катод билан муҳофаза қилиш станциялари, насос ва компрессор станциялари, уларни улаш узеллари билан биргаликда, қувурларни тозалаш қурилмалари ва бошқалар киради.

5.1.13. Фуқаролар авиацияси аэропортларидаги самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан, уларни ерда бошқариш йўлчалари ва тўхташ жойлари, радионавигация ва электр ёритиш ускуналари жойлашган ерлар.

5.1.14. Ишлаб чиқариш иншоотлари қурилиши учун ажратилган (ёки объектлари эгаллаган) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган ерлар. Қурилиш давом эттириладиган ёки ишлаб чиқариш объектлари ишлай бошлаган тақдирда ер солиғи қурилиш бошланган ёки объектдан фойдаланиш бошлангандан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

5.1.15. Гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар.

5.1.16. Илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув — тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ белгилан-

ган тартибда тасдиқланган мавзулар бўйича илмий тажрибалар, экспериментал ишлар ўтказиш, янги навлар селекцияси ва бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ва дарахтлар билан банд бўлган ерлар солиқ тўлашдан озод қилинади.

Ҳокимият органлари томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мақсадлари учун берилган ер участкалари учун қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ тўланади.

5.1.17. Янги ўзлаштириладиган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб бориладиган суғориладиган ерлар-лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга.

Ушбу бандга мувофиқ янгидан ўзлаштириладиган ва суғориладиган ерлар, шунингдек обдон текислаш, суғориш тармоқларини қайта қуриш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мелиоратив ишлар ўтказиладиган ёки бутунлай қайтадан яхшиланадиган суғориладиган ерлар ер солиғи тўлашдан озод қилинади. Агар лойиҳада ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ишларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилмаган бўлса ёки ер участкаси бошқа муддатларда ишга туширилган бўлса, бундай ҳолларда ер участкаси учун мелиоратив ишлар ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари амалга оширилган йиллар учун солиқ тўланмайди, лекин бу муддат 5 йилдан ошмаслиги керак.

5.1.18. Захира ерлар. Бу тоифадаги ерларга мулк сифатида сотиб олинмаган, юридик ва жисмоний шахсларга эгаллик қилиш ёки фойдаланиш учун берилмаган ерлар киради.

5.1.19. Рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, чўмилиш жойлари ва бошқалар).

Мулк эгаси бошқарув, ижтимоий-маданий ёки бошқа нотижорат вазифаларини бажариш учун ташкил қил-

ган ва унинг ўзи тўла ёки қисман маблағ билан таъминлаган ташкилот муассаса деб тан олинади.

5.1.20. Соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (қасалликларнинг олдини олишни ва одамларни даволанишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар).

5.1.21. Якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ерлар — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга.

5.1.22. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўрмонлар ва ихота дарахтзорлари, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек спорт объектлари билан банд бўлган ерлари.

5.1.23. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги боғлари ва токзорлари — улар ҳосилга киргунга қадар даврда.

5.2. Ерлардан ўз ўрнида фойдаланилмаган тақдирда ушбу йўриқноманинг 5.1.1-5.1.23-бандларида белгиланган имтиёзлар қўлланилмайди.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишидан аввалроқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан берилган солиқ имтиёзлари берилган муддат тугагунга қадар сақланиб туради.

**5.3. Ер солиғи тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:**

5.3.1. Нотижорат юридик шахслар (бюджетдан молиявий таъминланадиган бошқарув органлари ва илмий-тадқиқот муассасалари бундан мустасно), ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари.

Солиқ солиш мақсадларида нотижорат ташкилотлар деганда, қуйидагилар тушунилади:

□ фақатгина давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган, харажатларни қоплаш учун тас-

диқланган сметалар доирасида бюджетдан дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

□ хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва фондлари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

а) тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар олишни кўзламайдиган таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадларда тузилган ташкилот ва бирлашмалар;

б) молиявий ва бошқа маблағларни муайян ташкилотлар ходимлари, муассасалари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари йўлида тақсимламайдиган ва инвестиция қилмайдиган ташкилот ва бирлашмалар (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш бундан мустасно).

5.3.2. Маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари, бўйсинуvidан қатъи назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун.

Бундай муассасаларга қуйидагилар киради:

а) маданият ва санъат муассасалари (кутубхоналар, фильмотекалар ва фонотекалар, музейлар, кўргазмалар, клуб муассасалари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, халқ университетлари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғлари ва ҳайвонот боғлари, телевидение ва радио эшиттириш муҳарририятлари, китоб палаталари, театрлар, кинотеатрлар, концерт ташкилотлари ва жамоалари, цирклар, тасвирий санъат студиялари ва бадиий-безаш ташкилотлари, киностудиялар ва овоз ёзиш, кинофильмлар тайёрлаш, аҳолининг буюртмаси билан бажариладиган ишлар ва хизматларсиз овоз ёзиш, ҳаваскорлик кинофильмларини тайёрлаш студиялари, овоз ёзиш, кинофильмлар прокати хизматлари, маданият ва санъатнинг хўжалик бошқармалари);

б) маориф муассасалари (олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, ўрта махсус маълумотли кадрлар тай-

ёрлаш, ишчилар ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва ма-  
лакасини ошириш муассасалари, болалар умумий таъ-  
лим мактаблари, ишчи ёшлар умумий таълим мактабла-  
ри, мактабгача тарбия муассасалари, ота-оналари қаро-  
висиз қолган болаларни тарбиялаш муассасалари);

в) соғлиқни сақлаш муассасалари (шифохона му-  
ассасалари, лепрозорийлар, диспансерлар, амбулато-  
рия-поликлиника муассасалари, тез ёрдам ва кечикти-  
рилмайдиган тиббий ёрдам ва қон қуйиш муассасала-  
ри, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассаса-  
лари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-про-  
филактика муассасалари, санитария-эпидемиология  
муассасалари, санитария маорифи муассасалари, суд-  
тиббий экспертиза муассасалари);

г) ижтимоий таъминот муассасалари (врачлар-меҳ-  
нат эксперт комиссиялари, қариялар ва ногиронлар учун  
интернат уйлар).

5.3.3. Деҳқон (фермер) хўжаликлари-давлат рўйха-  
тидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатда.

Деҳқон хўжаликлари белгиланган имтиёз муддати  
ўтмасдан олдин тугатиладиган бўлса, яъни хўжалик  
рўйхатга ўтгандан сўнг уч йиллик муддат охирига ет-  
май туриб тугатиладиган бўлса, улар фаолиятининг бу-  
тун даври учун солиқ тўла миқдорда олинади.

5.3.4. Чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб  
чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар,  
рўйхатга олинган пайтдан бошлаб икки йил давомида.

Хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш  
корхоналарига уставда кўрсатилган фаолиятида ўз  
ишлаб чиқариши улуши ва (ёки) ишлаб чиқарилаётган  
маҳсулотга сервис хизмати кўрсатишдаги улуши хўжа-  
лик фаолиятидан олинadиган даромад умумий ҳажми-  
нинг 60 фоизидан кўпроғи тўғри келадиган ва қуйида-  
ги шартларга мос келадиган хорижий, қўшма корхона-  
лар ва уларнинг ёрдамчи корхоналари киради:

▼ корхона устав фондининг миқдори 300 минг АҚШ  
долларига тенг келадиган миқдордан кам бўлмаслиги  
лозим;

▼ корхона иштирокчиларидан бири хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

▼ хорижий сармоянинг улуши корхона устав фонднинг камида 30 фоизини ташкил этиши лозим.

Хорижий сармоя иштирокидаги корхона белгиланган имтиёз даври тугагандан сўнг бир йил ўтмай, яъни корхона рўйхатга олинганидан сўнг уч йиллик муддат ўтмай туриб тугатилган тақдирда, солиқ улар фаолиятининг бутун даври учун тўла миқдорда ундирилади.

5.3.5. Ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизни ногиронлар ташкил этадиган корхоналар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслардан ташқари.

Корхона штатида турувчи ходимлар, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишлайдиган ходимлар, шунингдек корхона штатида турмайдиган, лекин пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича иш бажарилган шахслар ходимларнинг умумий сонига киради.

5.3.6. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, «Нуроний» жамғармаси корхоналари, бўшатиб олинмаётган маблағлардан ўзларининг уставида белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шarti билан.

5.3.7. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи корхоналар — ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим.

5.3.8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг муассасалари.

**5.4. Ер солиғи тўлашдан қуйидаги жисмоний шахслар озод қилинади:**

5.4.1. Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибқарлари, механизаторлар, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари.

5.4.2. «Ўзбекистон Қаҳрамони» Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамонлари унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари. Ушбу имтиёз «Ўзбекистон Қаҳрамони» берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони дафтарчаси, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси, уруш иштирокчиси гувоҳномаси, имтиёз ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади.

5.4.3. Хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар. Ушбу имтиёз уларга имтиёзга ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади.

5.4.4. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатига. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар учун туман ва шаҳар ҳокимликлари мудофаа ишлари бўлимларининг маълумотлари уларнинг чақириқ муддати деб қабул қилинади. Хизматдан қайтиб келган фуқаро мудофаа ишлари бўйича бўлимда ҳисобга олинган кун ҳарбий хизмат муддати тугаган кун ҳисобланади. Ушбу бандда белгиланган имтиёзлар муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

5.4.5. I ва II гуруҳ ногиронлари. Ушбу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида берилади.

5.4.6. Ёлғиз пенсионерлар. Ушбу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида берилади.

5.4.7. Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ушбу имтиёз туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими маълумотномаси асосида берилади.

5.4.8. Концентрацион лагерларининг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар. Ушбу имтиёз уларга имтиёзга ҳуқуқлар тўғрисидаги гувоҳнома ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими маълумотномаси асосида берилади.

5.4.9. Ер участкаларига кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

5.4.10. Илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар.

5.5. Ушбу йўриқноманинг 5.4.1-5.4.10-бандларида белгиланган имтиёзлар яқка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалиқни юритиш учун қонун ҳужжатлари назарда тутилган нормалар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Имтиёз ҳуқуқи ер солиғини тўлашдан озод қилинган шахс яшайдиган ва биргалиқда хўжалиқ юритадиган бутун оилага қўлланилади.

## **6. Юридик шахслар ер солиғини ҳисоблаш тартиби**

6.1. Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолат бўйича мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ инспекциясига жорий йилнинг 1 февралигача қуйидаги шакллар бўйича тақдим этадилар:

◀ қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар учун ушбу Йўриқномага 1-иловада келтирилган шаклда;

◀ қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар учун ушбу Йўриқномага 2-иловада келтирилган шаклда.

Бўшатиб олинаётган маблағлардан маълум мақсадлар учун фойдаланиш шарти билан имтиёз олган юридик шахслар солиқ тўловчилар учун белгиланган шакл ва муддатлар бўйича ер солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этадилар.

6.2. Ер солиғини ҳисоблаш ер участкасининг ҳақиқий майдони асосида амалга оширилади.

Ер участкаси умумий майдони тўғрисидаги маълумотлар туманлар ва шаҳарлар ижроия ҳокимияти томонидан бериладиган ерга доимий эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган давлат ҳужжати билан тасдиқланиши лозим.

Давлат ҳужжатлари берилгунга қадар давлат ҳокимияти тегишли органларининг ер ажратиб бериш тўғрисидаги қарори, ер тузиш хизмати ёки архитектура органлари билан келишилган ер ажратиш лойиҳаси, ер баланси маълумотлари, қурилиш бош режаси ёки бошқа ҳужжатлар (текшириш, ерни инвентаризациялаш далолатномалари, ер тасвирини тушириш материаллари ва бошқалар) фойдаланилаётган ер майдонини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларда ер майдонлари ер тузиш хизмати ўтказадиган ер ҳисоби маълумотлари, ихтисослашган лойиҳа ва қидирув ташкилотлари томонидан ўтказилган ерни инвентаризациялаш материаллари, қишлоқ хўжалик экинлари ва экинзорларини ўлчаш материаллари, шунингдек бошқа текшириш материаллари билан тасдиқланиши лозим.

6.3. Йил давомида юридик шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган тақдирда, (ёки ҳуқуқи тўхтатилса), шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган (пайдо бўлган) ҳолларда ер участкаси ажратилган (қайтариб олинган) кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай давлат солиқ инспекцияларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Ҳисобот йили давомида экинзорлари таркибида ўзгаришлар юз берган хўжаликлар давлат солиқ инспекциясига ер солиғи тўланадиган ҳисобот йилининг 1 ноябрига қадар аниқлик киритилган ер солиғи ҳисоб-

китобларини тақдим этади ва унга биноан солиқ тўланади.

6.4. Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади (масалан, корхонага тегишли ҳокимият органининг 15 августдаги қарори билан ер ажратилган бўлса, ер солиғини 1 сентябрдан бошлаб тўлайди).

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади). Масалан, корхона ер участкасининг бир қисми ваколатли ҳокимият органининг 25 августдаги қарори билан олиб қўйилди. Демак, корхона 1 августдан ер солиғи тўлашни тўхтатади.

6.5. Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёз берилганда улар бундай ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан эътиборан солиқ тўламайдилар. Ер солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар бундай ҳуқуқ тўхтатилганидан кейинги ойдан эътиборан ер солиғи тўлай бошлайди.

6.6. Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш билан боғлиқ ҳолда фойдаланиладиган ер учун, жумладан кон устини очиш, таркибида фойдали қазилма бўлмаган ва кам бўлган жинсларни келтириб ташлашга ажратилган ерлар учун ер солиғини ҳисоблаш уларнинг қаерда жойлашганига қараб, конлар ва карьерлар учун ставкалар бўйича амалга оширилади.

Фойдаланиш фойдали қазилмаларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ёки ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун жумладан, қолдиқлар омборлар, тиндиргичлар, шунингдек маъмурий, ёрдамчи бинолар, иншоотлар билан банд бўлган ер участкалари учун солиқ корхоналар, муассасалар ва гашкилотлар учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланади.

6.7. Бир неча юридик шахснинг умумий мулки бўлган иморатларга хизмат қилишга мўлжалланган ер участкаси учун солиқ шу мулк эгаларининг ҳар бирига, агар шу иморатларга эгалик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларда ўзга тартиб кўзда тутилмаган бўлса, шу иморатлар умумий майдонидаги улушига қараб ҳисобланади.

6.8. Кўп қаватли уй-жойнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахс ер солиғини шу уй эгаллаб турган умумий майдон ва мазкур юридик шахс фойдаланадиган ишлаб чиқариш хоналари улушидан келиб чиқиб ҳисоблайди.

6.9. Ўрмон, балиқчилик, овчилик корхоналари, шунингдек машина-трактор парклари солиқ солиш учун қишлоқ хўжалик корхоналарига тенглаштирилади.

## **7. Жисмоний шахслар бўйича ер солиғини ҳисоблаш тартиби**

7.1. Жисмоний шахслар учун ер солиғини давлат солиқ инспекциялари ҳисоблайди.

Солиқ тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳар йили, жорий йилнинг 1 майидан кечикмай топширилади.

Ер участкалари майдони ўзгарган ва имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлган (тўхтатилган) ҳолларда давлат солиқ инспекциялари бир ой ичида солиқни қайта ҳисоблаб, тўлов муддати ўзгаришини ҳисобга олиб, солиқ тўловчига янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини топшириши керак.

7.2. Ер участкаларига мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчи ёхуд ижарачи бўлган жисмоний шахслар давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳар йили 1 январдаги ҳолат бўйича ҳисобга олинади.

7.3. Шаҳар ва шаҳарчаларда яқка тартибда уй-жой қуриш учун жисмоний шахсларга берилган ер участкалари майдони шаҳар ёки туман ишлаб чиқариш уй-

жой инспекциясидаги мавжуд материаллар бўйича ҳисобга олинади ва ҳар йили жойларнинг ўзида текширилади. ?

Қишлоқ жойларида шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун жисмоний шахсларга берилган ер участкалари томорқа еридан ва жамоат ерларидан қўшимча равишда ажратилган ер участкасидан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда томорқа ерлари майдони ер кадастри маълумотлари бўйича аниқланади ва юз берган ўзгаришлар жойларнинг ўзида аниқланади. Жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкалари майдони хўжаликларнинг маълумотлари асосида ҳисобга олинади ва ҳар йили аниқлаб борилади.

Фуқаролар рўйхати ва уларга жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги юритиш учун ажратилган ер участкалари майдони, шунингдек хусусий гаражлар билан банд бўлган майдонлар шу ташкилотлар бошқарувлари маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Хизмат билан боғлиқ чек ер участкалари майдони ўз ходимларига ер участкалари ажратган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маълумотлари бўйича қабул қилинади ва ҳар йили жойларнинг ўзида аниқланади.

7.4. Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олинган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ҳолларда солиқ олиш ер участкаси олинган (камайтирилган) ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади.

Жисмоний шахсларга ер солиғи бўйича имтиёз белгиланган ҳолларда улар бундай ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан эътиборан солиқ тўлашни тўхтатадилар. Ер солиғи бўйича имтиёз тўхтатилган ҳолларда улар шу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб солиқ тўлайди.

7.5. Жисмоний шахс якка тартибда уй-жой қуриш ёки шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун берилган ер участкасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса ёки ер ажратилиши мақсадини ўзгартирмай

Ўз уйини идора сифатида расмийлаштирса, ундан якка тартибда уй қуриш ёки ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ажратилган ер участкаси ставкаси бўйича ер солиғи олинади.

7.6. Кўп квартирали уйларда яшовчи жисмоний шахслардан ер солиғи олинмайди. Квартиралардан ёки кўп квартирали уйларнинг бир қисмидан одамларнинг яшаши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилган ҳолларда квартиранинг умумий майдонига асосланиб, белгиланган умумий тартибда ер солиғининг тегишли қисми олинади.

7.7. Уй-жой, одамлар яшамайдиган иморатлар ва иншоотлар, дала ҳовли мерос бўйича ўтиши билан бирга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари учун ер солиғи меросхўрлардан мерос қолдирганининг солиқ мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда ундирилади.

## **8. Ер солиғини тўлаш муддатлари**

8.1. Юридик шахслар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) солиқни йилнинг ҳар чорагида, баравар улушда чоракнинг иккинчи ойи 15-кунигача тўлайди.

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун тўлаш муддати ўтгандан кейин олган бўлса, шу давр учун солиқ тўлаш муддати навбатдаги чорак учун солиқ тўлаш муддати бўлади.

8.2. Қишлоқ хўжалик корхоналари ер солиғини бир йилда бир марта — ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар тўлайди.

8.3. Жисмоний шахслар ер солиғини жорий йилнинг 1 ноябрига қадар тўлайди.

8.4. Солиқ тўловчи ортиқча солиқ тўлаган бўлса, бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаса, ортиқча тўланган пул солиқ тўловчига унинг ёзма аризадан сўнг ўттиз кун ичида қайтариб берилади ёки келгуси тўловларда ҳисобга олинади.

## 9. Ер солиғини ҳисоблаш тартиби

9.1. Солиқ тўловчи қаерда жойлашганидан қатъи назар ер солиғи ер участкаси қайси туман ёки шаҳар ҳудудида бўлса, шу туман ёки шаҳар маҳаллий бюджетига ўтказилади. Ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида бўлса, солиқ худди шу тартибда туланади.

**Масалан.** Тошкент шаҳрининг маъмурий chegarаси корхона ерининг ўртасидан ўтади, ернинг бир қисми Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани ҳудудида, қолган қисми — Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудида жойлашган. Корхона ўз ерининг Тошкент шаҳри ҳудудига тўғри келадиган қисми учун ер солиғини шаҳар учун белгиланган ставка бўйича ҳисоблайди ва бу ҳисоб-китобни Акмал Икромов тумани давлат солиқ инспекциясига топширади ҳамда солиқни шаҳар бюджетига тўлайди. Ернинг Зангиота туманидаги қисми учун Тошкент вилояти қишлоқ жойлари учун ставкалар бўйича ер солиғини ҳисоблайди, бу ҳисоб-китобни туман давлат солиқ инспекциясига тақдим этади ва солиқни шу туман бюджетига тўлайди.

9.2. Ер солиғи бўйича юридик шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоби бухгалтерия ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг «Ер солиғи бўйича ҳисоблар» деган илова ҳисобварағи юритилади ва давр харажатларига киритилади.

Ҳисобланган солиқ суммаси 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида кредит бўйича ва 26-«Давр харажатлари» ҳисобварағи дебитида акс эттирилади.

Солиқнинг бюджетга тўланган суммаси 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебити бўйича ва 51-«Ҳисоб-китоб» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

## **10. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва масъулияти, давлат солиқ хизмати органларининг назорати**

10.1. Ер солиғини тўловчилар давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ва бу органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органларига ёки судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

10.2. Ер солиғини тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10.3. Давлат солиқ хизмати органлари солиқ қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланилишини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Йўриқномага мувофиқ назорат қилади.



Ушбу Йўриқнома амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1996 йил 28 июнда 46/96-57-сон билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 30 июлда 268-сон билан рўйхатга олинган «Ер солиғи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунини қўллашга доир йўриқнома ва шу йўриқнома юзасидан берилган барча тушунтиришлар ўз кучини йўқотади.

**Э.ГАДОЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирининг**  
**биринчи ўринбосари**

**М.ҚУРОЛОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат солиқ қўмитаси**  
**раисининг биринчи**  
**ўринбосари**

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига  
\_\_\_\_\_ (корхона, ташкилот номи)

Идентификация рақами

\_\_\_\_\_ (мансаби, фамилияси)

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (банк муассасаси номи, коди)

**199\_\_ йил 1 январдаги ҳолат бўйича қишлоқ  
хўжалик мақсадида фойдаланилмайдиган ерлар  
учун тўланадиган ер солигининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Курсаткичлар	Ер участкаси қаерда жойлашган	Улчов бир- лиги	Ҳажми
A	1	2	3
1 _____ га (ер участкаси берилишига асос бўлган ҳужжат номи)			
2 биноан ер участкасининг умумий майдони Ҳақиқатда фойдаланиши бўйича ер участкаси- нинг умумий майдони _____ (ер майдонини аниқлаштирган ҳужжат)			
3 Солиққа тортилмайдиган ер майдони, жами			
4 Солиққа тортиладиган ер майдони			
5 I га учун ер солиғи ставкалари			
6 Солиқнинг умумий суммаси			
7 Солиқ суммасини тўлаш муддатлари:			
I чорак учун — 15 февралгача			
II чорак учун — 15 майгача			
III чорак учун — 15 августгача			
IV чорак учун — 15 ноябргача			

\_\_\_\_\_ Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи) (имзо, фамилия, исми-шарифи)

Идидим:  
\_\_\_\_\_ солиқ инспектори: \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

19\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(сана)

**Ҳисобга олиш бўйича инспектор маълумотномаси:**

\_\_\_\_\_ улчовчининг шахсий ҳисобварағига ушбу ҳисоб-китобга биноан \_\_\_\_\_ сўм ўтказилди.

\_\_\_\_\_ инспектор \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

19\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(сана)

Юридик шахс  
штампи

УзР МВ ва ДСҚнинг 1997 йил 28 ноябрдаги  
39/97-101-сон йўриқномасига  
2-илова

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига  
Солиқ тўловчи \_\_\_\_\_  
(корхона, ташкилот номи)

Идентификация рақами   
Ҳисоб-китоб учун масъул шахс \_\_\_\_\_  
(мансаби, фамилияси)

Телефон \_\_\_\_\_  
Тўловчининг манзили \_\_\_\_\_  
Ҳисоб-китоб варағи № \_\_\_\_\_  
(банк муассасаси номи, коди)

**199\_\_ йил 1 январдаги ҳолат бўйича қишлоқ  
хўжалик мақсадида фойдаланиладиган ерлар  
учун тўланадиган ер солиғининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Ер турлари	Майдони, га	1 га учун солиқ ставкаси, сўм	Солиқ суммаси, сўм
А	1	2	3
1. Ҷамоатга тегишли суғориладиган қиш- лоқ хўжалик ерлари:			
1-класс (0-10 балл)			
2-класс (11-20 балл)			
3-класс (21-30 балл)			
4-класс (31-40 балл)			
5-класс (41-50 балл)			
6-класс (51-60 балл)			
7-класс (61-70 балл)			
8-класс (71-80 балл)			
9-класс (81-90 балл)			
10-класс (91-100 балл)			
баҳоланмаган ерлар			
<b>ЖАМИ</b>			
2. Лалмикор, пичанзор, бўз ерлар ва су- ғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар майдони:			
текислик (ёгин билан таъминланмаган) зоналар			
тоғолди ва тоғлик (ёгин билан таъмин- ланган) зонада			
<b>ЖАМИ</b>			
3. Суғорилмайдиган пичанзор ва яйлов- лар:			
"Чўл" минтақасида			
"Адир" минтақасида			
"Тоғ" минтақасида			
<b>ЖАМИ</b>			

A	1	2	3
3. Ўрмончилик корхоналарининг мол боқилмайдиган суғорилмайдиган яйловлари ва пичанзорлари			
4. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлари, йўллар банд этган ерлар			
5. Жамоат иморатлари ва ҳовлилари			
6. Кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар			
7. Жами солиққа тортиладиган ер			
<b>8. Солиққа тортилмайдиган ерлар:</b>			
1) томорқа ва полизлар			
2) ўрмонлар ва бошқа ихота дарахтзорлари			
3) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш объектлари, аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари, қабристонлар			
4) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелiorатив ҳолати яхшиланаётган мавжуд суғориладиган ерлар			
5) илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланилаётган кишлоқ хўжалик ва ўрмончилик ерлари			
6) мевага кирмаган боғ ва узумзорлар			
9. Жами солиққа тортилмайдиган ерлар			
<b>10. ЖАМИ ЕР</b>			

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

Ишдим:

Солиқ инспектори: \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

19\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(сана)

**Иқтисодчининг ҳисоб бўйича маълумотномаси**

Уловчининг шахсий ҳисобварағига ушбу ҳисоб-китобга биноан

сўм ўтказилди.

Иқтисодчи \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

19\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(сана)

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
1998 йил 29 январда 401-сон билан  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
42-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
97-106-сон

1997 йил 15 декабрь

**ЕР ОСТИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚНИ  
ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
ЙЎРИҚНОМА**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини белгилайди.

1.2. Солиққа тортиш мақсадларида «ер ости» атама-сида, ер қобиғининг тупроқли қатлам остида жойлашган қисми, тупроқли қатлам бўлмаганида эса — ер юзаси ва сув ҳавзалари ҳамда очиқ сув оқимлари тубининг остидаги геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликларгача етадиган қисми тушунилади.

1.3. Белгиланган тартибда солиққа тортишнинг сод-далаштирилган усулига ўтган, ягона солиқни тўлайди-ган кичик корхоналар ер остидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлмайдилар.

**2. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ  
тўловчилар**

2.1. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбе-кистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб

олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

2.2. Таркибида рангли, нодир, асл, қора металллар ва бошқа маъданли хом ашё мавжуд бўлган руда уларни кейинчалик қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берадиган (экспортдан ташқари) бир корхона томонидан қазиб олинмишида қазиб олинган рудани қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. **Масалан, Олмалиқ мис қазиб олиш корхонаси қазиб олинган таркибида мис мавжуд бўлган рудани бойитиш фабрикасига беради, бу фабрика бойитилган рудани Олмалиқ конметаллургия комбинатининг мис эритиш заводида беради. Комбинат тайёр маҳсулот — тозаланган мисни ишлаб чиқаради, ана шу маҳсулотга солиқ ставкаси белгиланган. Бундай ҳолда тозаланган миснинг қазиб олинганлиги учун рудани қазиб олган корхона эмас, балки комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.**

2.3. Руда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга ёки экспортга жўнатилгани ҳолда рудани қазиб олган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади.

### **3. Солиққа тортиш объектлари**

3.1. Ер остидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш объектлари қуйидагилардир:

3.1.1. Фойдали қазилмалар (шу жумладан, қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташлангани ҳолдаги уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни амалдаги сотиш қиймати бўйича.

Қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар, қазиб олинган руда таркибидан асосий фойдали қазилмадан ташқари бошқа хом ашё ҳам ажратиб олинадиган ва унга ставкалар тасдиқланган ҳолатида солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Бун-

да қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташлангани ҳолдаги амалда сотилган маҳсулотлар қиймати солиқ солинадиган объект бўлади.

Қазиб олинган фойдали қазилма ёки унинг бир қисми корхонанинг ўзи бошқа материалларни ишлаб чиқариши ёки тайёрлаши учун хом ашё бўлиб ҳисобланганида солиқ ана шу хом ашёни қазиб олишнинг ишлаб чиқариш таннархи асосида тасдиқланган ставкалар бўйича тўланади.

3.1.2. Техноген ҳосилаларнинг (минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндиларининг) ҳажми, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташлангани ҳолдаги қазиб олинган фойдали қазилмалар ёки қимматли компонентларни амалдаги сотиш қиймати бўйича.

Техноген ҳосилаларга минерал хом ашёни қайта ишлаш ва қазилма чиқиндилари, шу жумладан, технологик ёки бошқа сабабларга кўра вақтинчалик ишлатилмайдиганлари ҳам киради.

3.1.3. Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари, шунингдек ер остидаги табиий бўшлиқлар ва бошқа ер ости омборхоналари ҳажми — брутто ҳажми (кубатураси) ёки ер ости иншоотларининг узунлиги қурилиш лойиҳалари асосида ижрочилик режага олиш ҳужжатлари бўйича аниқлаштириб белгиланадиган кўлами бўйича. Уларни қуришда ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ушбу қурилишни бевосита амалга ошираётган ташкилот томонидан буюртмачи қабул қилган бажарилган ишлар далолатномаси асосида қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмасдан қурилишнинг ўзлаштирилган смета қиймати негизида тўланади. Тупроқ ва қурилишда олинган бошқа жинслар ҳажмлари солиққа тортилмайди. Объект корхона балансига қабул қилиниши билан солиқ у томонидан объектнинг ҳажми ёки кўлами асосида тўланади.

Ер ости иншоотларига ер юзасидан пастда жойлашган объектлар, шунингдек биноларнинг алоҳида

функционал объектлар тарзида қурилган ер остидаги қисмлари (масалан, гаражлар, омборлар, архивлар ва шу кабилар) ҳам киради.

**Солиққа тортиш объектларига қуйидагилар киради:** нефть, газ, бошқа моддалар ва материалларни сақлаш, зарарли моддалар, ишлаб чиқаришнинг радиоактив чиқитларини кўмиб ташлаш учун қурилаётган ва фойдаланилаётган ер ости иншоотлари, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва 0,4-500 кВт кучланишли электр узатиш кабель линиялари, мамлакатнинг автоматлаштирилган ягона алоқа тармоғи линиялари, буғ ўтказгичлар ва иссиқлик ўтказгичлар, шунингдек ер остидаги гаражлар, темир йўл, автомобиль туннеллари, омборлар, фуқаролик мудофаасининг ҳимоя қилиш иншоотлари ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ер ости иншоотлари.

**Бунда, қуйидагилар солиққа тортиш объектларига кирмайди:** фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлган ер ости иншоотлари, шунингдек биноларнинг пойдеворлари ва подвал қисми.

Солиққа тортиш мақсадларида магистраль ер ости иншоотлари деганда қуйидагилар тушунилади:

а) ер ости магистрал газ ўтказгичлари — ишчи босими  $12 \text{ кгк/см}^2$  дан ортиқ бўлган газ ўтказгичлар;

б) ер ости магистрал нефть ўтказгичлари — нефть қазиб олинган жойдан ушбу товар маҳсулоти нефтни қайта ишлаш заводигача ташиб кетиладиган жойларгача;

в) 0,4-500 кВт кучланишли ер ости магистрал электр узатиш кабель линиялари;

г) ер ости алоқа магистрал кабель линиясидан иборат бўлган магистрал алоқа тармоқлари (Тошкент шаҳридан Нукус шаҳригача, вилоят марказлари ва махсус объектларгача; Нукус шаҳридан вилоят марказларигача, вилоят марказлари ўртасидаги, тармоқ узеллари ўртасидаги, мамлакат чегарасигача бўлган халқаро алоқа кабель линиялари); зоналар ичидаги алоқа ли-

ниялари (Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларидан туманлар марказларигача, шаҳарларгача, шаҳар қўрғонларигача, махсус объектларгача, туманлар марказлари ва шаҳарлар ўртасидаги). Магистрал алоқа линияларининг узунлиги кабель шахталари ёки тегишли аҳоли пунктлари ва махсус объектларнинг АТС ёки МГТС биналарига киритилиши нуқталари ўртасида ҳисобланади;

д) ер ости магистрал буғ қувурлари, иссиқлик қувурлари — марказлаштирилган иссиқлик таъминоти манбаидан мавзе, квартал ёки саноат зонасига киритиш камераси ёки узелигача.

3.1.4. Рангли тошлар хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қўйилган ер қаъри участкаси майдони.

Рангли тошлар хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш деганда ана шундай хом ашё, қолдиқлар ва бошқа материаллар намуналарининг табиий очик жойлардан, табиий ер ости бўшлиқларидан (ғорлардан), ишлатиб бўлинган карьерлардан, тоғ-кон саноатининг қазилган ерларидан, дарё қайирларидан кончилик ишлари ва бошқа турдаги махсус ишларни бажармасдан, ер қаърининг яхлитлигига путур етказмасдан йиғиб олиниши тушунилади.

#### **4. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари**

4.1. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга умумий белгиланган тартибда етказилади.

## **5. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар**

5.1. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

5.1.1. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганувчи юридик ва жисмоний шахслар.

5.1.2. Геология, минералогия ва бошқа алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий ишларни олиб боровчи юридик ва жисмоний шахслар.

5.1.3. Бюджетдаги муассасалар ва ташкилотлар - ер ости иншоотларини қурганлик ва улардан фойдаланганлик учун.

5.1.4. Ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўзларининг хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда кенг тарқалган фойдали қазилмалар (ушбу Йўриқноманинг 3-илоvasи) қазиб олишни ҳамда ер ости иншоотлари қуришни амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар.

5.1.5. Метрополитен — ер ости иншоотларидан фойдаланганлик учун.

5.2. Ер ости иншоотларидан бевосита мақсадга мувофиқ фойдаланилмаса мазкур бўлимда белгиланган имтиёзлар қўлланилмайди.

5.3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугагунигача сақлаб қолинади.

## **6. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби**

6.1. Юридик шахслар ер остидан фойдаланганлик учун солиқни солиқ солинадиган объект ва тасдиқланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқадилар. Ушбу Йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган шаклга биноан солиққа доир ҳисоб-китоблар қуйидаги

муддатларда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади:

а) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун — йилнинг ҳар чорагида, йил чораги бўйича молиявий ҳисоботларини тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай;

б) минерал хом ашёни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик (ер ости иншоотларини қурганлик ва улардан фойдаланганлик, табиий ер ости бўшлиқларидан фойдаланганлик, шунингдек рангли тошлар хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаганлик) учун — бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай.

6.2. Юридик шахслар ер остидан фойдаланганлик учун солиқни қуйидаги муддатларда тўлашади:

а) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун — ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг йигирманчи кунигача. Тўловчи ушбу муддатгача давлат солиқ хизмати органларига ушбу Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклга биноан ҳисобот ойдаги солиқ суммаси кўрсатилган маҳсулотнинг сотилган ҳажмлари асосидаги қазиб олинган фойдали қазилмалар ва фойдаланилган техноген ҳосилалар ҳажми ҳақидаги маълумотномани тақдим қилади;

б) минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ер остидан фойдаланганлик (ер ости иншоотларини қурганлик ва улардан фойдаланганлик, табиий ер ости бўшлиқларидан фойдаланганлик) учун — бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган кундан эътиборан ўн кун кунлик муддат ичида;

в) қолган ҳолларда (шу жумладан, рангли тошлар хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаган-

лик) — йилнинг ҳар чорагида, йил чораклари бўйича ва йиллик ҳисоботларни топшириш муддатида тўланади. Тўловчи ушбу муддатгача давлат солиқ хизмати органларига ушбу Йўриқноманинг 2-илоvasида келтирилган шаклга биноан рангли тошлар хом ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарининг тўпланган миқдори ва қиймати ҳақидаги маълумотномани тақдим қилади.

Тўланган ва ҳисобланган солиқ суммалари ўртасида фарқ бўлган ҳолларда бюджет билан белгиланган тартибдаги қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.

6.3. Ер остидан фойдаланишни амалга оширадиган жисмоний шахслар ер остидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини бир йилда бир марта, навбатдаги йилнинг 20 январидан кечиктирмасдан давлат солиқ инспекцияларининг хабарномасига кўра давлат солиқ хизмати органларига тақдим қиладилар ва солиқни тўлайдилар.

## **7. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ёзиб қўйиш ва ҳисобга олиш тартиби**

7.1. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ умумий давлат солиғи ҳисобланади ва республика бюджетига ўтказилади.

7.2. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ давр харажатларига киритилади.

7.3. Юридик шахсларнинг ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи, «Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблар» алоҳида илова ҳисобварағида амалга оширилади.

7.4. Ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси ҳар ойда 26-«Давр харажатлари» ҳисобварағининг дебети ва 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади ҳамда бюджетга ўтказилган солиқ суммалари 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар»

ҳисобварагининг дебети ва 51-«Ҳисоб-китоб вараги» ҳисобварагининг кредити бўйича акс эттирилади.

7.5. Солиқ тўловчи солиқнинг ортиқча суммаларини тўлагани ҳолда ортиқча тўланган солиқ суммалари тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз бўлмагани ҳолда ўттиз кун муддатда солиқ тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

## **8. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ҳамда давлат солиқ хизмати органлари назорати**

8.1. Солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ва бу органлар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органларига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

8.2. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.3. Давлат солиқ хизмати органлари ер остидан фойдаланганлик учун солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши устидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек ушбу Йўриқномага мувофиқ назоратни амалга оширадилар.



Ушбу Йўриқноманинг амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 1995 йил 15 февралда 17/15-сон билан тасдиқлаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1995 йил 16 февралда 125-сон билан рўйхатдан ўтказган «Ўзбекистон Республикасининг «Қор-

хоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунининг ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш қисмида қўлланиш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик йўриқномаси ва у юзасидан илгари берилган барча тушунтириш хатлари ўз кучини йўқотади.

**Э.ГАДОЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирининг**  
**биринчи ўринбосари**

**М.ҚУРОЛОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат солиқ қўмитаси**  
**раисининг биринчи**  
**ўринбосари**

**КЕЛИШИЛГАН:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Геология давлат қўмитаси**  
**раисининг биринчи**  
**ўринбосари**  
**Г.АБДУРАҲМОНОВ**

Юридик шахс  
штампи

ЎзР МВ ва ДСҚнинг 1997 йил 15-декабрдаги  
42/97-106-сон Йўриқномасига  
1-илова

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига  
Солиқ тўловчи \_\_\_\_\_

(корхона, ташкилот номи)

Идентификация рақами

Ҳисоб-китоб учун масъул шахс \_\_\_\_\_

(мансаби, фамилияси)

Телефон \_\_\_\_\_

Туловчининг манзили \_\_\_\_\_

Ҳисоб-китоб варағи № \_\_\_\_\_

(банк муассасаси номи, коди)

**199\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун фойдали қазилмаларни  
қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдалан-  
ганлик, ер ости иншоотларини қурганлик ва фойдалан-  
ганлик, рангли тошлар хом ашёси, палеонтология  
қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари  
намуналарини тўплаганлик учун солиқ суммасининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Ер остидан фойдаланиш турлари номи	Ўл- чов бир- лиги	Қазиб олиш мик- дори, ҳажми ва кўлами май- дони	Қий- мати, сўм	Солиқ став- калари %, сўм	Солиқ сум- маси, сўм	Илгари ҳисоб- ланган солиқ- лар сумма- лари, сўм	Тула- ниши лозим бўлган солиқ сум- маси, сўм
А	1	2	3	4	5	6	7

Раҳбар \_\_\_\_\_ Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи) (имзо, фамилия, исми-шарифи)

Солиқ инспекторининг қайдлари ва мулоҳазалари:  
\_\_\_\_\_

Олдим:  
\_\_\_\_\_ (инспекторнинг имзоси, фамилияси, исми-шарифи)

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(сана)

**Ҳисобга олиш бўйича иқтисодчининг маълумотномаси:**

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисобварағида ҳисобланади: \_\_\_\_\_ сўм.

Иқтисодчи \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Юридик шахс  
штампи

ЎзР МВ ва ДСҚнинг 1997 йил 15 декабрдаги  
42/97-106-сон Йуриқномасига  
**2-илова**

Солиқ тўловчи \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига

(корхона, ташкилот номи)

Идентификация рақами

Ҳисоб-китоб учун масъул шахс \_\_\_\_\_  
(мансаби, фамилияси)

Телефон \_\_\_\_\_  
Туловчининг манзили \_\_\_\_\_

Ҳисоб-китоб варағи № \_\_\_\_\_  
(банк муассасаси номи, коди)

**199\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун фойдали қазилмаларни  
қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан  
фойдаланганлик, шунингдек рангли тошлар хом ашёси,  
палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция  
материаллари намуналарини тўплаганлик учун солиқ  
суммаси ҳақидаги  
МАЪЛУМОТНОМА**

Фойдали қазилмалар, тўпланган хом ашё, материаллар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми, миқдори майдони	Қиймати сўм	Солиқ ставкалари, %, сўм	Тўланиш лозим бўлган солиқ суммаси сўм
А	1	2	3	4	5

Раҳбар \_\_\_\_\_ Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи) (имзо, фамилия, исми-шарифи)

Солиқ инспекторининг қайдлари ва мулоҳазалари:

Ўзидим:

(инспекторнинг имзоси, фамилияси, исми-шарифи)

199\_\_ й. "\_\_\_" \_\_\_\_\_  
(сана)

**Ҳисобга олиш бўйича иқтисодчининг маълумотномаси:**

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисобварағида ҳисобланади: \_\_\_\_\_ сўм.

Иқтисодчи \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

199\_\_ й. "\_\_\_" \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикасининг умумий  
қўп тарқалган фойдали қазилмалари  
РЎЙХАТИ**

*Кум* (формовка, шиша қумидан ташқари, чинни ва ганч-корлик, ўтга чидамли ва цемент саноати учун).

*Майда тош*

*Шағал*

*Гил* (ўтга чидамли, қийин эрийдиган, формовка гилдан ташқари, чинни ва ганчкорлик, цемент саноати учун, оқловчи, бўяш, бентонитли, кислотага чидамли ва каолин учун).

*Кумоқ тупроқ* (цемент саноати учун кумоқ тупроқдан ташқари).

*Харсангтош*

*Кумтош* (битумли, пардозли, динаслидан ташқари, шиша саноати учун).

*Чақмоқтош* (динасли, флюсли, пардозловчи, кремний карбиди ишлаб чиқариш учун темирли, кристалли кремний ва ферроқотишмалидан ташқари).

*Доломит* (эговловчи, пардозловчидан ташқари, металлургия, кимё, ва шиша саноати учун).

*Оҳақгил* (битумли ва цемент саноати учун).

*Оҳақтош* (битумли, пардозловчи, эговловчидан ташқари, цемент, металлургия, кимё, шиша, целлюлоза-қоғоз ва қанд-шакар саноати учун, шунингдек, глинозём ишлаб чиқариш учун).

*Чиганоқтош*

*Сланец* (ёнувчи ва том ёпишда ишлатиладиганларидан ташқари)

*Аргиллитлар ва алевролитлар* (цемент саноатида фойдаланиш учун яроқлиларидан ташқари).

*Магматик, вулканик ҳосилалар ва ўзгарувчан жинслар* (пардозловчи, безакловчилардан ташқари, ўтга чидамли ва кислотага чидамли материаллар ишлаб чиқариш, тош қуйиш ва маъданли пахта учун, шунингдек, цемент саноатида фойдаланиш учун яроқлиларидан ташқари).

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
04-03-05/134-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
98-25-сон

1998 йил 3 март

## **ЕР ОСТИДАН Фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ Тўғрисида ТУШУНТИРИШ**

Ер остидан фойдаланганлик, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари учун солиқ юзасидан келаётган сўровномалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қуйидагича тушунтириш беради.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига биноан ер остидан фойдаланганлик, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари учун солиқ бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда тўланади. Шундай қилиб, 1997 йил учун ер остидан фойдаланганлик, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари учун солиқ 1998 йил февралида ҳисобланади ва тўланади, 1998 йил учун эса — 1999 йил февралида ҳисобланади ва тўланади.

Бундай шароитда ушбу солиқни тўловчилар 1998 йилда солиқнинг 1998 йил учун тасдиқланган ставкалар бўйича ҳисобланишини амалга оширмайди, чунки жорий йилда 1997 йил учун тасдиқланган ставкалар асосида бундан олдинги йил учун тўлов амалга оширилади.

Айни бир вақтда шуни ҳам хабар қиламизки, республика корхоналарининг ер ости иншоотлари қиймати жиддий табақалаштирилганлиги сабабли амалда ҳар бир муайян объект учун яқка тартибдаги ҳолда бўлиб, у

Солиқ кодекси амалга киритилгунига қадар юқорида айтиб ўтилган солиққа тортиш учун база ҳисобланиб келинган. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси солиқ солинадиган база ва ставкаларнинг ўзгартирилганлиги муносабати билан солиқ тўловчиларнинг молиявий натижаларига таъсирини ўрганиш юзасидан иш олиб бормоқда.

Ана шу ишнинг тугалланиши учун ўз балансида фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларига эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига илова қилинаётган шаклга биноан зарур маълумотларни тақдим этиши лозим.

**Э.ГАДОЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирининг**  
**биринчи ўринбосари**

**М.ҚУРОЛОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат солиқ қўмитаси**  
**раисининг биринчи**  
**ўринбосари**

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
1998 йил 13 январда 392-сон билан  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
45-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
97-114-сон

1997 йил 25 декабрь

## **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА**

### **. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг VI бўлимига мувофиқ ишлаб чиқилган ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар тартибини белгилайди.

### **II. Солиқ тўловчилар**

2. Мулкчидида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўловчилар ҳисобланади.

### **III. Солиққа тортиш объектлари**

3. Қуйидагилар солиққа тортиш объекти ҳисобланади:  
а) уй-жойлар, квартиралар, боғ ҳовли ва боғдаги уйчалар, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар қиймати;

б) автомобиллар, моторли қайиқлар, вертолётлар, самолётлар, ўзиюрар машина ва механизмлар, шунингдек, бошқа транспорт воситалари двигателларининг қуввати.

#### **IV. Солиқ ставкалари**

4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ставкалар бўйича солиққа тортилади, бундай ставкалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга умумий белгиланган тартибда етказилади.

#### **V. Солиқ бўйича имтиёзлар**

##### **5. Қуйидагилар мол-мулк солиғига тортилмайди:**

###### **5.1. Транспорт воситалари:**

а) 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ ҚСРСни ҳимоя қилишдаги бошқа жанговар операцияларнинг ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар орасидан, шунингдек собиқ партизанлар таркибидан бўлган қатнашчиларининг; Афғонистон Республикасида ва уруш ҳаракатлари олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинлар чекланган контингенти таркибида хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқишга ва текширув йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахсларнинг;

б) мотоаравачалар ва қўлда бошқариладиган автомобилларга эга бўлган ногиронларнинг;

в) Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларини олган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахсларнинг.

###### **5.2. Иморатлар, хоналар ва иншоотлар:**

а) Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларини олган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахсларнинг;

б) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлар, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штат лавозимлари-

ни эгаллаган шахслар, Ленинград шахри қамали қатнашчилари ва концлагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Афғонистон Республикасида ва уруш ҳаракатлари олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинлар чекланган контингенти таркибида хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқишга ва текширув йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахсларнинг;

в) қаҳрамон оналар, шунингдек ўн ва ундан ортиқ фарзанди бўлган аёлларнинг;

г) Чернобиль АЭСда авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан, у ерга вақтинча юборилган ёки хизмат сафари сифатида жўнатилган шахслар)нинг;

д) пенсионерлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг;

е) муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларининг — хизматни ўташ даврида;

ж) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда яраланиб, контузия бўлиб ёки шикастланиб ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касалланиш оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа никоҳга ўтмаган рафиқалари (эрлари)нинг;

з) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларининг раҳбарлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган ва хизмат мажбуриятларини бажаришда яраланиб, контузия олиб ёки шикастланиб ногирон бўлиб қолган шахсларнинг.

5.3. Ушбу бўлимда назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танловига қараб мол-мулкнинг ҳар бир тури бўйича фақат бир объектига тааллуқли бўлади. Бунда имтиёзлар фақат мол-мулк имтиёзга эга бўлган шахснинг мулки бўлганидагина тақдим этилиши лозим.

5.4. Йил давомида тўловчиларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлганида улар кўрсатилган тўловлардан ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб озод қилинади.

Йил ўртасида тўловчилар мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганида улар

бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлган ойдан кейинги ойдан бошлаб солиқни тўлай бошлайди.

## **VI. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби**

6. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкidan олинadиган солиқнинг ҳисобланиши солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

7. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар солиқ хизмати органларига зарур ҳужжатларни тақдим этадилар.

### **8. Иморатлар, хоналар ва иншоотлар:**

Иморатлар, хоналар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи коммунал хизмат идоралари тақдим этадиган ҳар йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра уларни рўйхатдан ўтказиш қиймати тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланади, бундай маълумотлар бўлмаганида эса — бундай объектларнинг мажбурий давлат суғуртаси бўйича тўловларни ҳисоблаш учун қўлланиладиган баҳо бўйича ҳисобланади.

Бир неча мулкдорларнинг умумий улушли мулки бўлган иморатлар, хоналар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи уларнинг ҳар бири томонидан ушбу иморатлар, хоналар ва иншоотлардаги улушига мувофиқ тарзда тўланади. Янги иморатлар, хоналар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки сотиб олинган йилдан кейинги йил бошидан бошлаб тўланади.

### **9. Транспорт воситалари:**

Транспорт воситалари учун мол-мулк солиғи тегишли давлат рўйхатидан ўтказувчи органларнинг маълумотлари асосида двигателнинг қуввати ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Янгидан сотиб олинган транспорт воситалари бўйича мол-мулк солиғи сотиб олинган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Давлат автомобиль назорати ҳисобдан чиқарган автомобиллар ва мотоцикллар солиққа тортилмайди.

Фойдаланилмайдиган транспорт воситалари учун транспорт воситалари эгаларидан солиқ умумий белгиланган тартибда ундирилади.

10. Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун солиқ меросхўрлардан мерос очилган пайдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк яқсон қилинган, бутунлай бузилган ҳолларда солиқнинг ундирилиши улар яқсон қилинган ёки бутунлай бузилган ойдан бошлаб тўхтатилади.

11. Мол-мулк учун мулкчилик ҳуқуқи тақвимий йил давомида бир мулкдордан бошқа мулкдорга ўтган ҳолда солиқ дастлабки мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан у мол-мулкка мулкчилик ҳуқуқини йўқотган ойгача тўланади, янги мулкдор эса — унда мулкчилик ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқни тўлайди.

12. Тақвимий йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлганида мол-мулк солиғининг қайта ҳисоб-китоб қилиниши ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб амалга оширилади.

13. Солиқнинг тўланиши ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга солиқ идоралари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмасдан топширилади. Солиқнинг тўланиши тенг улушларда икки муддатда — 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмасдан амалга оширилади.

14. Солиқ тўловчи солиқнинг ортиқча суммалари тўлагани ҳолда ортиқча тўланган солиқ суммалари тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда солиқ тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

## **VII. Солиққа тортилиши лозим бўлган жисмоний шахсларни ҳисобга олиш тартиби**

15. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкдан олинмайдиган солиқни тўловчиларнинг ҳисобга олиниши давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар бир йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра шаҳарлар ва туманлар бўйича Давлат суғуртаси органларида ва коммунал хўжалиги органларида (техник рўйхатдан ўтказиш бю-

роларида) мавжуд бўлган иморатлар эгалари ҳақидаги маълумотларга мувофиқ, транспорт воситалари бўйича эса — ҳар йили Давлат автомобиль назорати органи, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказадиган бошқа органлар маълумотларига биноан амалга оширилади.

### **VIII. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги**

16. Солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан жавобгар бўладилар.

### **IX. Давлат солиқ хизмати органларининг назорати**

17. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинadиган солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, ушбу йўриқнома ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.



Ушбу Йўриқноманинг амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 1994 йил 20 апрелда 42/92-сон билан тасдиқлаган «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинadиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаси ва у юзасидан илгари берилган барча тушунтириш хатлари ўз кучини йўқотади.

**Э.ГАДОЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Молия вазирининг*  
*биринчи ўринбосари*

**М.ҚУРОЛОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Давлат солиқ қўмитаси*  
*раисининг биринчи*  
*ўринбосари*

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
1998 йил 11 январда 393-сон билан  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 47-сон	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 05/8-382-сон	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 97-117-сон
------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------

1997 йил 26 декабрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХУДУДИДА ИМПОРТ ҚИЛИНАЁТГАН ТОВАРЛАР,  
ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРГА НИСБАТАН ҚЎШИЛГАН  
ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ  
ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ВАҚТИНЧАЛИК ЙЎРИҚНОМА**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва божхона қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилаб беради.

**II. Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар**

2.1. Товарлар, ишлар, хизматларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар ана шу импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар учун қўшилган қиймат солиғини тўловчилари ҳисобланадилар.

### **III. Солиққа тортиш объекти ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби**

3.1. Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунларида белгиланган божхона режимларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар (МДҲ мамлакатлари дан импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар ҳам шунга киради) қўшилган қиймат солиғига тортиш объекти ҳисобланади.

3.2. Божхона қонунларига мувофиқ белгиланганида божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш учун асосдир.

3.3. Божхона қиймати билан бир қаторда божхона божи суммаси ва акциз солиғи солинадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси солиққа тортиладиган оборот миқдорига киритилади.

3.4. Импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Сққс = \frac{(Ст + Пи + Ас) \times Н}{100},$$

бунда Сққс — қўшилган қиймат солиғи суммаси;

Ст — импорт қилинаётган товарлар, ишлар хизматларнинг божхона қиймати;

Пи — божхона божи суммаси;

Ас — акциз маркали товарлар бўйича акциз солиғи суммаси;

Н — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

### **IV. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар**

4.1. Амалдаги солиқ ва божхона қонунларига мувофиқ, қуйидагилар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинишлари керак:

а) инсонпарварлик ёрдами сифатида келтириладиган товарлар;

б) қонун билан тасдиқланган божсиз олиб келиш меъёрий доирасида жисмоний шахслар импорт қилаётган товарлар;

в) табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки ҳалокатлар натижасида ёрдам кўрса-тиш учун олиб келинаётган мол-мулклар;

г) савдо, воситачилик, таъминот-сотув ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчилардан ташқари жами ишловчиларнинг эллик фоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар.

Ушбу имтиёзни олиш учун ҳуқуқларни белгилашда корхона ходимлари штатида турган ходимлар, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётганлар, шунингдек корхона штатида турмаган шахслар (пудрат шартномаси ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишларни бажараётганлар) ходимлар умумий сонига киритилади;

д) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига кўра импорт қилинаётган ишлар ва хизматлар.

## **V. Солиқ ставкалари**

5.1. Импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи 20 (йигирма) фоизлик ставка бўйича тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган Рўйхат бўйича алоҳида ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат товарлари учун (ушбу йўриқноманинг 1-илоvasи) қўшилган қиймат солиғи 10 (ўн) фоизлик ставка бўйича тўланади.

## **VI. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартиби ва муддатлари**

6.1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи божхона расмийлаштирувигача ёки расмийлаштирув вақтида тўланади.

Импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ишлар, хизматлар бажарилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган бажарилган ишлар ва хизматлар қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади ва импорт қилинаётган шахс томонидан «қўшилган қиймат солиғи суммасини тўлаш» деган ёзув ёзилган тўлов топшириқномасига асосланиб тўланади.

Тўлов топшириқномаси ишлар ва хизматларни импорт қилаётган шахс томонидан ёзилади.

6.2. Импорт қилинган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи товарларни божхона расмийлаштирувчидан ўтказаетган божхона органига тўланади.

Халқаро почта жўнатмаларида юборилаётган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистон почта ва алоқалар агентлигига тўланади. Агентлик қўшилган қиймат солиғининг тўланган суммасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги божхона қонунларида белгилаб берилган тартибда божхона органларининг депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Импорт қилинаётган хизматлар, ишлар бўйича қўшилган қиймат солиғи бюджетга ишлар, хизматлар амалда бажарилган кундан бошлаб 5 кун ичида тўланади. Импорт қилинаётган ишлар, хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоб ишлар, хизматлар импорт қилинган ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 кунидан кечикмай солиқ органига (2-иловага кўра) тақдим этилади.

6.3. Қўшилган қиймат солиғи фақат миллий валюта — сўмда тўланади.

6.4. Жисмоний шахслар солиқни божхона органи кассасига ёки божхона пости кассасига умумий белгиланган тартибда нақд пул билан тўлашлари мумкин.

6.5. Қўшилган қиймат солиғи тасдиқланган ставкалар бўйича танланган божхона режими шартларига мувофиқ ҳисобланади ва тўланади.

## **VII. Божхона юк декларациясида қўшилган қиймат солиғини акс эттириш тартиби**

7.1. ҚҚСни ҳисоблашда божхона юк декларациясининг 47-графаси қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«тўлов коди» биринчи устунда қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ифодаловчи «29» рақами ёзилади;

«ҳисоблаш асоси» устунига ушбу йўриқноманинг 3.3-бандига кўра ҳисобланадиган солиққа тортиш обороти суммаси киритилади;

графанинг учинчи устунни — «Ставка»да қўшилган қиймат солиғи ставкасининг миқдори кўрсатилади;

графанинг тўртинчи устунни — «Сумма»да қўшилган қиймат солиғи тўланадиган сумма кўрсатилади;

графанинг бешинчи устунни — «ТУ»да тўлов усули кўрсатилади:

а) «НТ» — банк муассасаси орқали нақдинасиз тўлов;

б) «БК» — тўлов суммасини божхона кассасига нақд тўлаш.

«В» графаси — «Ҳисоблаш тафсилотлари»да қўшилган қиймат солиғини тўлаш учун тўлов ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилади.

БЮДнинг 36-графасида — «Преференция»да божлар, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғини тўлашдан преференция коди (озод қилиш коди) 00/00/00 кўрсатилади, унда:

дастлабки икки рақам — белгиланган тартибга мувофиқ акциз солиғи тўлаш бўйича озод қилиш коди;

иккинчи икки рақам — белгиланган тартибга мувофиқ акциз солиғи тўлашдан озод қилиш коди;

учинчи иккита рақам — қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш коди, яъни қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинганлигини билдирувчи «11» рақами қўйилади.

Божлар, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилишлар бўлмаган барча ҳолларда «00» коди қўйилади.

## **VIII. Божхона органларининг республика бюджетига қўшилган қиймат солиғини ўтказиш тартиби**

8.1. Қўшилган қиймат солиғига ҳисобланган суммалар ҳудудий божхона органларининг депозит ҳисобварағига ўтказилади ва кейин Республика бюджети даромадларига киритилади.

8.2. Божхона органлари уч кун ичида қўшилган қиймат солиғи суммасини Республика бюджети даромадига ўтказадилар.

8.3. Божхона органлари ўз ҳисобварақларидан қўшилган қиймат солиғини Республика бюджети даромадига тўғри ҳисобланганлиги ва ўз вақтида ўтказилганлиги учун жавобгардирлар.

## **IX. Илгари тўланган ёки ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тартиби**

9.1. Ортиқча тўланган ёки ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаси қайтарилиши ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши керак.

9.2. Божхона органлари қуйидаги ҳолларда қайтаради ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилади:

▶ солиқ суммаси нотўғри ҳисобланганда, шу жумладан божхона қиймати ўзгартирилганда;

▶ божхона режими ўзгарган тақдирда қўшилган қиймат солиғи суммасини божхона органлари илгари ундирилганда. Тўловчи ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтаришни, шу жумладан божхона қиймати ўзгартирилиши муносабати билан қайтариб беришни тўлов тўланган ёки ундирилган пайдан бошлаб 1 йил мобайнида талаб қилиши мумкин.

9.3. Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш учун божхона органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

◀ тўланган ёки ундирилган ҚҚС суммасини қайтариш тўғрисида тўловчининг аризаси;

◀ тўловлар ҳисобланган ва ундирилган божхона юк декларацияси тўлдирилган ҳолатда;

◀ қўшилган қиймат солиғи солиғининг тегишли суммасини тўлаш учун тўлов топшириқномаси, тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи тўлов учун қабул қилинганлиги тўғрисида банк белгиси бўлиши керак;

◀ товар-илова ҳужжатлари чегарани амалда кесиб ўтганлик тўғрисида чегара божхонасининг белгиси.

Солиқ тўловчида ана шу ҳужжатлар бўлмаган тақдирда тўловни қайтариш тўловни тасдиқловчи божхона органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

9.4. Солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғини ортиқча тўлаган тақдирда, бу сумма унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

## **Х. Тўловчиларнинг масъулияти ва божхона органларининг назорати**

10.1. Қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун масъулият тўловчи зиммасига юклатилади.

Қўшилган қиймат солиғи белгиланган тартибда тўланмаган тақдирда, тўланиши лозим бўлган суммалар божхона органлари томонидан уларни сўзсиз тартибда пеня билан бирга тўлаши лозим бўлган шахслардан ундириб олади.

10.2. Қўшилган қиймат солиғи тўғри ҳисобланганлиги ва бюджетга ўтказилганлиги устидан назорат-божхона ва солиқ органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Божхона ва солиқ қонунларига ва ушбу йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

**Э.ГАДОВЕВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Молия  
вазирининг  
ўринбосари

**С.ОРИПОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Давлат божхона  
қўмитаси  
Раисининг биринчи  
ўринбосари

**М.ҚУРОЛОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Давлат солиқ  
қўмитаси  
Раисининг биринчи  
ўринбосари

ЎзР МВ, ДБҚ ва ДСҚнинг 1997 йил 26 декабрдаги  
47/05-/8-382/97-117-сон Йўриқномасига  
**1-илова**

**Кўшилган қиймат солиғи 10 фоизлик  
ставка бўйича тўланадиган ижтимоий  
жиҳатдан муҳим озиқ-овқат товарлари  
РЎЙХАТИ**

<b>№</b>	<b>Товар номи</b>	<b>ТИФ ТН бўйича коди</b>
1	Ун	110100000, 1102, 110610000 дан — қуритилган дуккакли ўсимликлардан олинадиган ун, 110620 дан — саго пальмаси мағзидан, илдиз-мевали ўсимликлардан олинадиган ун, 1208 дан — мойли ўсимликлар уруғларидан ёки меваларидан олинадиган ун
2	Нон	1905 дан — нон
3	Гўшт	0201, 0202, 0203, 0204, 020500000, 020610910, 020610950, 020621000, 020622, 020629910, 020630210, 020641910, 020649910, 020680910, 020680990, 020690910, 020690990, 0207, 0208
4	Сут ва сутли маҳсулотлар	0406 дан — творог 0401, 0402, 0403, 0404

\_\_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ давлат солиқ хизматига  
\_\_\_\_\_ дан  
(корхонанинг тўлиқ номи)  
Масъул (ижрочи) \_\_\_\_\_  
шахснинг фамилияси \_\_\_\_\_  
тел. \_\_\_\_\_ факс \_\_\_\_\_  
Манзил \_\_\_\_\_

Солиқ органининг  
штамп ёки белгиси  
Олинди  
199\_\_ й. \_\_\_\_\_ да

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ учун

(ҳисобот даври)

**импорт қилинадиган ишлар, хизматлар  
учун қўшилган қиймат солиғининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Оборот	ҚҚС ставкаси	ҚҚС суммаси
1	2	3	4
Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати			

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(ҳисоб-китоб юборилган сана)

Раҳбар \_\_\_\_\_  
ИМЗО (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
ИМЗО (Ф.И.О.)

**Инспекторнинг қайдлари ва мулоҳазалари:**

Олдиндан текшириш натижасида қуйидагича тузатишлар киритил-  
ди: \_\_\_\_\_ сўм.

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(олдиндан текшириш санаси)

**Ҳисобга олиш бўйича инспекторнинг маълумотномаси:**

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисобварағида  
ҳисобланди: \_\_\_\_\_ сўм.

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(ўтказма санаси)

Ҳисобга олиш бўйича инспектор \_\_\_\_\_  
ИМЗО (Ф.И.О.)

*Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
1998 йил 15 январда 394-сон билан  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН*

*Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
48-сон*

*Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
97-116-сон*

1997 йил 26 декабрь

**ЭКОЛОГИЯ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ  
ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
ЙЎРИҚНОМА**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва экология солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур йўриқнома кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида рўйхатдан ўтган, ягона солиқни тўлайдиган юридик шахсларга тегишли бўлмайди.

**2. Солиқ тўловчилар**

2.1. Товарлар ишлаб чиқарадиган, ишларни бажарадиган, хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар экология солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Ушбу йўриқномада солиққа тортиш мақсадларида юридик шахслар деганда мулкчилигида, хўжалик юриртишида ёки оператив тарздаги бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган ҳамма турдаги корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан, уларнинг алоҳида бўлинмалари тушунилади.

### **3. Солиққа тортиш объекти**

3.1. Қуйидагилар солиққа тортиш объекти ҳисобланади:

а) савдо, умумий овқатланиш корхоналари, таъминот-сотиш, воситачилик, тайёрлов ташкилотлари учун - муомала харажатлари.

Солиққа тортиш мақсадларида муомала харажатларига қуйидагилар киради:

- реализацияга доир харажатлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер остидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар, Республика йўл жамғармаси ва Пенсия жамғармасига 0,5% миқдоридаги ажратмалардан ташқари);

- маъмурий-бошқарув харажатлари;

- бошқа операцион харажатлар.

Бундай харажатлар 26-«Давр харажатлари» ҳисобварағида тегишли илова ҳисобварақлари бўйича ҳисобга олинади;

б) халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари корхоналари учун — маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи.

Солиққа тортиш мақсадларида экология солиғини ҳисоблашда маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи деганда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинандиган ҳисобварақларда (20-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи ва 23-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағи, четга кўрсатилган хизматлар қисмида) завод ичидаги айланмасиз ҳисобга олинандиган ялпи харажатлар суммаси тушунилади.

Банклар ва суғурта ташкилотлари учун ишлаб чиқариш таннархи деганда кўрсатилган хизматларга доир харажатлар йиғиндиси тушунилади.

### **4. Экология солиғи ставкалари**

4.1. Экология солиғи бир фоизлик ставка бўйича тўланади.

## **5. Экология солиғи бўйича имтиёзлар**

5.1. Экология солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

а) «Нуроний» фонди ва унинг корхоналари, бўшаб қолган маблағлардан фонднинг устав вазифаларини бажариш учун фойдаланган тақдирда;

б) ходимлари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотув ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчилардан ташқари.

5.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугагунигача сақлаб қолинади.

## **6. Экология солиғини ҳисоблаш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби**

6.1. Экология солиғи солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш объекти ва белгиланган ставка асосида ҳисоблаб чиқилади. Экология солиғи бўйича ушбу йўриқноманинг иловасида келтирилган шаклга биноан ўсиб боровчи яқунга кўра чиқарилган ҳисоб-китоблар чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

6.2. Экология солиғи йилнинг ҳар чорагида унга доир ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан тўланади.

6.3. Фаолиятнинг ҳар хил турлари, яъни маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва савдо, умумий овқатланиш, таъминот-сотиш, воситачилик, тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар экология солиғини фаолиятнинг ҳамма турлари бўйича тўлайдилар. Улар фаолият турларига доир харажатларнинг алоҳида ҳисобини юритиши лозим. Умуман корхона бўйича вужудга келган умумий ҳўжалик харажат-

ларининг бўлиниши сотишдан олинган тушум ҳажмига мутаносиб равишда фаолият турлари бўйича амалга оширилади.

6.4. Экология солиғи ҳисобот чорагининг давр харажатларида ҳисобга олинади. Бунда муомала харажатлари (давр харажатлари) солиққа тортиш объекти ҳисобланадиган корхоналар ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ суммасини ҳисобот давридан кейин келадиган чоракнинг давр харажатларига ёзиб қўядилар ва у солиққа тортиладиган базага киритилмайди.

6.5. Юридик шахсларнинг экология солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларининг бухгалтерлик ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида «Экология солиғи бўйича ҳисоб-китоблар» алоҳида илова ҳисобварағида юритилади.

6.6. Экология солиғининг ҳисобланган суммаси 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг кредити ва 26-«Давр харажатлари» ҳисобварағининг дебити бўйича тегишли илова ҳисобварағида акс эттирилади.

6.7. Солиқнинг тўланган суммаси 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг дебити ва 51-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

## **7. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ҳамда давлат солиқ хизмати органлари назорати**

7.1. Солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ва бу органлар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органларига ёки судга шикоят билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

7.2. Экология солиғини тўловчилар солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

7.3. Давлат солиқ хизмати органлари экология солиғи ҳақидаги қонунларнинг тўғри қўлланилиши устидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек ушбу йўриқномага мувофиқ назоратни амалга оширадилар.



Ушбу йўриқноманинг амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 1997 йил 17 мартда 11/97-21-сон билан тасдиқлаган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 8 апрелда 332-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Экология солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» шунингдек у юзасидан илгари берилган барча тушунтиришлар ўз кучини йўқотади.

**Э.ГАДОЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Молия вазирининг*  
*биринчи ўринбосари*

**М.ҚУРОЛОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Давлат солиқ қўмитаси*  
*раисининг биринчи*  
*ўринбосари*

Юридик шахс  
штампи

ЎзР МВ ва ДСҚнинг 1997 йил 26 декабрдаги  
48/97-116-сон. Йўриқномасига  
**Илова**

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига  
Солиқ тўловчи \_\_\_\_\_

(корхона, ташкилот номи)

Идентификация рақами

Ҳисоб-китоб учун масъул шахс \_\_\_\_\_

(мансаби, фамилияси)

Телефон \_\_\_\_\_

Тўловчининг манзили \_\_\_\_\_

Ҳисоб-китоб варағи № \_\_\_\_\_

(банк муассасаси номи, коди)

**199\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ чорағи  
учун экология солиғи суммасининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Суммаси
1. Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи (муомала харажатлари)	сўм	
2 Солиқ ставкаси	%	
3 Солиқ суммаси (1-сатр х 2-сатр:100)	сўм	
4. Бундан олдинги даврлар учун солиқ суммаси	сўм	
5. Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (3-сатр - 4-сатр)	сўм	

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

Олдим:

Солиқ инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилияси, исми-шарифи)

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(сана)

**Ҳисобга олиш бўйича инспекторнинг маълумотномаси:**

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағига: \_\_\_\_\_ сўм ҳисобланади.

Солиқ инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилияси, исми-шарифи)

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
04-02-05/2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
98-02-сон

1998 йил 4 январь

## **1998 ЙИЛДА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ 1998 йилда солиққа тортиш тартибидаги асосий ўзгаришлар тўғрисида маълум қилади:

1. 1998 йил 1 январдан жорий этилаётган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ юридик шахслар даромадлари ва уларга доир тегишли чегирмалар солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун, тўланган ва маблағларнинг келиб тушиш санасидан қатъи назар, улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида акс эттирилади.

2. Касса усули бўйича ишлаган корхоналар учун 1998 йил 1 январга қадар юклаб жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) пул маблағлари келиб тушишига қараб реализация ҳажмига киритилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорига биноан солиқ тўловчиларга Кодекс амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари томонидан берилган солиқ имтиёзлари улар берилган муддат тушашига қадар сақланиши белгиланган.

4. 1998 йил учун тасдиқланган солиқ турлари бўйича ставкалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 5 декабрдаги 540-сон қарорига иловада келтирилади.

5. Солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби бўйича йўриқномалар улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг етказилади.

6. Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларни солиққа тортиш тартиби ўзгартирилди. 1998 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўлов манбаидан ундирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 сентябрдаги 433-56-сон қарори билан мол-мулкдан фойдаланиш шартлари қатъийлаштирилди: корхона ва ташкилотлар меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ва ишлатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини икки бараварлик ставкада тўлайдилар.

Мазкур қарор 1997 йил IV чорагидан амал қилаётганини ҳисобга олиб (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 20 октябрдаги 04-03-05/454 ва Давлат солиқ қўмитасининг 10/1-7092-сон хати) 1997 йил учун мол-мулк солиғини ҳисоб-китоб қилишда ушбу масалага эътибор қаратиш керак бўлади.

8. 1998 йил 1 январдан бошлаб импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи жорий этилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича солиқ божхонада расмийлаштирувгача ёки расмийлаштирув вақтида тўланади.

9. 1998 йил 1 январга қадар юклар бўйича қўшилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи 1997 йилда амал қилинган ставкалар бўйича (10 ва 18 фоиз) ҳисоблаб чиқарилади.

10. 1998 йил 1 январдаги қолдиқларда ҳисобланган хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга ҳисобдан ўчиришда корхоналар, ташкилот ва бирлашмалар 1997 йилда амал қилган ставкалар (10 ва 18 фоиз) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи «Қўшилган қиймат солиғи» илова ҳисобварағининг дебетиغا киритадилар.

1998 йил 1 январдан бошлаб МДХ аъзоси бўлган давлатлардан олинган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқаришда фойдаланилганда бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғини ҳисоб-китоб қилганда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида амалдаги ставкалар бўйича тўланган солиқ суммаси ҳисобга қабул қилинади.

Бунда 1998 йил 1 январга қадар келтирилган моддий ресурслар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда корхона харажатларига ҳисобдан ўчирилади, яъни 19-ҳисобварақда ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи мазкур ресурслар бўйича ҳисобга қабул қилинмайди.

11. 1997 йилда солиқ тўлашдан озод этилган қуйидагилар 1998 йил 1 январдан бошлаб солиққа тортиладилар:

○ бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган курслар, тўгараклар, секциялар, студиялар ёки дарслар;

○ одил судлов соҳасида адвокатлар ҳайъати аъзолари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;

○ якка тартибда тикиш, кийим, трикотаж буюмлари, пойабзал, мураккаб маиший техника, мебель тузатиш, прокат (ижарага бериш), болалар трикотаж буюмларини тайёрлаш ва тузатиш, кийимларни кимёвий усулда тозалаш, сартарошлик хизматлари, ҳаммом ва корхоналар хизматлари бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш.

12. Агар Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган ҳукуматлараро тузилган келишувларда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, 1998 йил 1 январдан бошлаб МДХ мамлакатларига ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ЭАВга экспорт қиладиган корхоналар ҚҚС дан озод этилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатга биноан хом ашё ресурслари мустасно.

13. Ноль ставкаси бўйича солиққа тортилади:

○ товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти, бундан Ўзбекистон Республикасига товарлар (ишлар, хизматлар) экспортига нисбатан солиққа тортиш режимини қўллайдиган давлатларга товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳоллари мустасно;

○ қишлоқ хўжалик корхоналарига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маъданли ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари.

Корхоналар «ноль ставкаси» бўйича солиққа тортиладиган маҳсулотга қўшилган қиймат солиғини «0» ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқарадилар ва ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган моддий ресурслар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

14. 1998 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган товарларни юклаб жўнатадиган, ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар учун белгиланган шаклда счёт-фактуралар жорий этилади, улар мазкур товарлар (ишлар, хизматлар)ни оладиган шахсга ёзилади.

Ягона солиқни тўлашга ўтган кичик корхоналар ва ялпи даромад солиғини тўлайдиган улгуржи савдо корхоналари ҳам ушбу счёт-фактураларни ёзиб бериши керак.

Бунда мазкур корхоналар счёт-фактурада қўшилган қиймат солиғининг суммасини кўрсатмайдилар ва «қўшилган қиймат солиғисиз» дейилган штамп босадилар ёки ёзув ёзиб қўядилар.

Счёт-фактуралар товар юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган санадан қолдирмай ёзилади.

Ҳисобот даври мобайнида товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатларига киритиладиган, ҳақиқатда келиб тушган, шу жумладан импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тақдим этилган счёт-фактураларга биноан тўланиши керак бўлган солиқ суммаси ҳисобга ўтказиладиган солиқ суммаси ҳисобланади.

15. Агар ҳукуматлараро тузилган келишувларда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, 1998 йил 1 январдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни МДХ мамлакатларига эркин алмаштириладиган валютага экспорт қиладиган корхоналар акциз солиғини тўлашдан озод этилади. Ушбу имтиёз савдо-воситачи ташкилотларга,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхат бўйича хом ашё товарларини экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди.

16. Акциз товарларни экспортга етказиб бериш акциз солиғига тортилмайди, бундан Ўзбекистон Республикасига товарлар (ишлар, хизматлар) экспортига нисбатан солиққа тортиш режимини қўллайдиган давлатларга товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳоллари мустасно.

17. 1998 йил 1 январдан бошлаб меъёрдан ортиқча ёки ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган участкалардан фойдаланганлик учун, шунингдек Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларида архитектура, тарих ва маданият ёдгорликлари яқинида жойлашган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар учун ер солиғи ставкаларига ошувчи коэффицентлар бекор қилинди.

18. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш муддатлари ўзгарди:

□ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, олинган сувнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тўланади;

□ бир чорак учун сув ресурсларидан фойдаланиш солиғининг умумий суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан камни ташкил этган корхоналар солиқни чоракда бир марта, чораклик молия ҳисоботларини топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар;

□ қишлоқ хўжалик корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни бир марта — жорий йилнинг — 15 декабрига қадар тўлайдилар.

**Э.ГАДОЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Молия вазирининг*  
*биринчи ўринбосари*

**М.ҚУРОЛОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*- Давлат солиқ қўмитаси*  
*раисининг биринчи*  
*ўринбосари*

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
1998 йил 31 мартда 415-сон билан  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
9-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
98-25-сон

1998 йил 25 февраль

**ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ  
ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ  
ТАРТИБИ**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги «Идораларга бўйсунадиган ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида» ги 453-сон қарори ва 1997 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг прогнози тўғрисида»ги 540-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмини белгилайди.

1.2. Ушбу тартиб ягона солиқни тўловчилар ҳисобланадиган кичик корхоналарга тегишли бўлмайди.

**2. Солиқни тўловчилар**

2.1. Юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган хорижий инвестицияли юридик шахслар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар ҳисобланади.

### **3. Солиқ солиш объекти, уни ҳисоблаш тартиби ва солиқ ставкалари**

3.1. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш со-лиғини ҳисоблашда ҳамма солиқлар тўланганидан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (даромад) — соф фойда (даромад) солиқ солиш объекти ҳисобланади (2-«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» шаклининг 170-сатри – 180-сатри). Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси юқорида кўрсатилган ҳисобот шаклининг 190-сатрида акс эттирилади.

3.2. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш со-лиғининг энг юқори ставкаси солиққа тортиш объекти-нинг 6 фоизи миқдорида белгиланган.

Ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини тутиб турмайдиган барча корхоналар (соғ-лиқни сақлаш, болаларнинг мактабгача тарбия муас-сасалари ва умумий таълим мактаблари) учун солиқ ставкаси Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳоки-мияти органи, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депу-татлари Кенгаши томонидан белгиланади.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-сининг 1997 йил 26 сентябрдаги «Идораларга бўйсун-диган ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги дав-лат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сон қарорининг 1-3-илова-ларига биноан ижтимоий инфратузилма объектларини (соғлиқни сақлаш, болаларнинг мактабгача тарбия му-ассасалари ва умумий таълим мактабларини) маблағ билан таъминлашга босқичма-босқич ўтишни амалга ошираётган корхоналар учун солиқ қуйидаги тартибда тўланади:

□ агар бюджет маблағлари ҳисобидан маблағ би-лан таъминлаш улуши фоизларда харажатлар умумий миқдорининг 100 фоизини ташкил этса, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига бериладиган объект-лар тўлалигича бюджет маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминладиган бўлса, солиқ ставкаси бундай

корхоналар учун ушбу минтақа учун белгиланган ставка миқдорида белгиланади;

□ агар бюджет маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш улуши фоизларда харажатлар умумий миқдорининг 100 фоизидан камни ташкил этса, яъни харажатларнинг бир қисми корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланадиган бўлса, тўловчилар учун бериладиган ижтимоий объектларнинг маблағ билан таъминланишидаги улушлар миқдorigа қараб табақалаштирилган ставкалар белгиланади.

3.4. Табақалаштирилган ставкаларни белгилаш учун қуйидагилар белгиланиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги «Идораларга бўйсунадиган ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сон қарорининг 1-3-иловаларига биноан бериладиган ижтимоий инфратузилма объектларини бюджетдан маблағ билан таъминлаш улуши асосида ўз маблағлари ҳисобидан тутиб туриш харажатлари суммасини;

б) ялпи даромад солиғини тўловчилар ҳисобланадиган корхоналардан ташқари, ижтимоий соҳа объектларининг тутиб турилиши харажатларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган корхоналар учун солиқ солинадиган базани, бундай база қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$$Сф + Хи.с + С,$$

бунда Сф — ҳамма солиқлар тўланганидан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда);

Хи.с — ижтимоий соҳа объектларининг ўз маблағлари ҳисобига тутиб турилиши харажатлари;

С — даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкаси ва ижтимоий соҳа объект-

ларининг ўз маблағлари ҳисобига тутиб турилиши харажатлари суммаси асосида ҳисоблаб чиқилган солиқнинг ҳисобкитобдаги суммаси ( $Хи.с \times$  даромад (фойда) солиғи ставкаси 100);

в) ижтимоий соҳа объектларининг ўз маблағлари ҳисобига тутиб турилиши харажатларини амалга оширадиган ялпи даромад солиғини тўловчилар ҳисобланадиган корхоналар учун солиқ солинадиган базани, бундай база қуйидагича формулага кўра белгиланади:

$$Сф + Хи.с,$$

бунда Сф — ҳамма солиқлар тўланганидан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда);

Хи.с — ижтимоий соҳа объектларининг ўз маблағлари ҳисобига тутиб турилиши харажатлари;

г) 3 б, в-бандларига мувофиқ ҳисобланган солиқ солинадиган база асосида ушбу минтақа учун белгиланган ставка бўйича солиқ суммасини.

Мабодо харажатлар суммаси (3а-банд) солиқ суммасидан (3г-банд) ортиқ бўлса, унда корхона ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

Мабодо харажатлар суммаси (3а-банд) солиқ суммасидан (3г-банд) кам бўлса, унда корхона ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини энг юқори ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан ижтимоий соҳа объектларининг тутиб турилиши харажатлари ўртасидаги фарқ (3г-банд – 3а-банд) сифатида белгилайди.

#### **4. Солиқни тўлаш муддатлари ва уни бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби**

4.1. Йил чораги давомида ҳамма тўловчилар бюджетга солиқнинг жорий тўловларини амалга оширади.

Жорий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар бундан олдинги йил чораги учун ҳисоб-китоб бўйича амалда ҳисобланган солиқ суммасига асосланадилар.

4.2. Жорий тўловлар ҳар бир ойнинг 25 (йигирма бешинчи) кунидан кечиктирмасдан солиқнинг йил чорагилик суммасининг учдан бир қисми миқдорида амалга оширилади.

4.3. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига доир ҳисоб-китоблар солиқ идораларига йил чорагилик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш муддатларида ушбу тартибга иловада келтирилган шаклга биноан ўсиб борувчи яқунга кўра амалда қарор топган солиқ солинадиган база асосида тақдим этилади.

4.4. Ҳисоб-китобга кўра ҳисобланган ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси тўловчилар томонидан йил чорагилик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган кундан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида бюджетга тўланади.

4.5. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерлик ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи, «Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» илова ҳисобварағи бўйича акс этирилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи, «Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» илова ҳисобварағи кредити бўйича 81-«Ҳисобланган солиқлар» ҳисобварағи билан алоқадорликда акс этирилади.

Солиқ суммасининг ўтказилиши 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи, «Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» илова ҳисобварағи дебити ва 51-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағининг кредити бўйича акс этирилади.

4.6. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи маҳаллий бюджетга ўтказилади.

## **5. Тўловчиларнинг жавобгарлиги**

5.1. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **6. Давлат солиқ хизмати органларининг назорати**

6.1. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назоратни солиқ идоралари амалга оширадилар.

**Э.ГАДОЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирининг**  
**биринчи ўринбосари**

**М.ҚУРОЛОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат солиқ қўмитаси**  
**раисининг биринчи**  
**ўринбосари**

Солиқ тўловчи \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига

(корхона, ташкилот номи)

Идентификация рақами

Ҳисоб-китоб учун масъул шахс \_\_\_\_\_

(мансаби, фамилияси)

Телефон \_\_\_\_\_

Тўловчининг манзили \_\_\_\_\_

Ҳисоб-китоб варағи № \_\_\_\_\_

(банк муассасаси номи, коди)

**Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китоби**  
199\_\_ йил \_\_\_\_\_ чораги учун

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сумма
1	Топширилаётган ижтимоий инфратузилма объектларининг бюджетдан молиялашнинг белгиланган улушидан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари	минг сўм	
2	Солиққа тортиладиган база - жами Шу жумладан: а) барча солиқлар тўланганидан кейин корхона тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда) б) ижтимоий инфратузилмани ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари (1-сатр) в) белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган фойда (даромад) солиғининг ҳисоб-китоб суммаси (6-сатр солиқ ставкаси) : 100	минг сўм	
3	Белгиланган солиқ ставкаси	%	
4	Белгиланган ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммаси (2-сатр x 3-сатр)		
5	Бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ суммаси (4-сатр - 1-сатр)		
6	Ҳисоб-китоб қилинган (шаклланган) солиқ ставкаси (5-сатр : 2-сатр) : 100	%	
7	Бюджетга ҳисоблаб ёзилган		
8	Қўшимча ёзишга		
9	Камайтириб ёзишга		

**Изоҳ.** Ялпи даромад солиғини тўлайдиган корхоналар учун 2-сатр тўлдирилмайди. Агар харажатлар суммаси (1-сатр) солиқ суммасидан (4-сатр) ошиб кетган ҳолда корхона ижтимоий инфратузилмани тутиб туриш солиғини тўламайди.

Раҳбар \_\_\_\_\_ Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилия, исми-шарифи) (имзо, фамилия, исми-шарифи)

Олдим:  
Солиқ инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилияси, исми-шарифи)

199\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(сана)

**Ҳисобга олиш бўйича инспекторнинг маълумотномаси:**

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағига: \_\_\_\_\_ сўм ҳисобланади.

Солиқ инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо, фамилияси, исми-шарифи)

## **ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ ТАРТИБИГА Ш А Р Х**

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинини 1997 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасинини 1998 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг прогнози тўғрисида»ги 540-сон қарори асосида жорий этилган.

Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан, хорижий инвестицияли корхоналар ушбу солиқни тўловчилар ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмайдиган нотижора ташкилотлари, шунингдек ҳукумат фармонлари ва қарорларига кўра ҳамма солиқларни тўлашдан озод қилинган корхоналар бу тоифага кирмайди.

Бундан ташқари, ягона солиқни тўловчилар ҳисобланадиган кичик корхоналар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар бўлмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарорга биноан корхонанинг соф фойдаси солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Солиққа тортиш мақсадларида соф фойда деганда 2-«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 170-сатри «Фойда солиғини тўлашга қадабўлган фойда» бўйича акс эттирилган фойда минударомад (фойда) солиғи суммаси, ялпи даромад тушунилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарорга биноан солиқнинг энг юқори ставкаси 6 фоизни ташкил этади, лекин солиқ маҳаллий солиқ бўлганлиги учун маҳаллий ҳокимият органлари (Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органи, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари) солиқнинг бирмунч пастроқ ставкаларини белгилаши мумкин. Бундай ставкалар муайян вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳақиқий бўлиб ҳисобланади в

ушбу минтақадаги ҳамма корхоналар учун ягона тартибда амал қилади.

Балансида ижтимоий соҳа объектларига эга бўлмаган корхоналар солиқни ушбу минтақа учун белгиланган ставка бўйича йўриқномада белгиланган муддатларда ҳисоблайди.

Бу тоифага ижтимоий соҳа объектларини ҳокимликлар балансига берган корхоналар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги «Идораларга бўйсунадиган ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сон қарорига кўра ижтимоий соҳа объектларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфига ўтказилиши назарда тутилган. Ушбу қарорга биноан ижтимоий соҳа объектларини 1998 йил 1 январгача бўлган муддатда ўз балансидан ҳокимликлар балансига ўтказиши керак бўлган вазирликлар ва идоралар рўйхати назарда тутилган ва аниқ объектлар кўрсатилган.

Рўйхатда кўрсатилмаган корхоналар балансида ижтимоий соҳа объектлари бўлиши мумкин. Агар бундай объектлар юқорида кўрсатиб ўтилган қарорнинг 1, 2, 3-иловаларига биноан рўйхатга киритилмаган бўлса, унда бу объектлар бошқаларга берилмайди. Шунинг учун солиқ ҳисоб-китоби табақалаштирилган тарзда амалга оширилади.

Ушбу корхоналар бўйича ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар зарур:

1. Корхонанинг ўз ижтимоий-маданий объектларини тутиб туриш учун амалдаги харажатлари суммаси.

2. 2-«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» шакли бўйича 170-сатр билан 180-сатрда кўрсатилган суммалар ўртасидаги фарқ сифатида олинган якуний сумма.

3. Солиқнинг корхонанинг ўз ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш учун амалдаги харажатлари асосида ҳисоб-китоб қилинган суммаси.

ушбу минтақадаги ҳамма корхоналар учун ягона тартибда амал қилади.

Балансида ижтимоий соҳа объектларига эга бўлмаган корхоналар солиқни ушбу минтақа учун белгиланган ставка бўйича йўриқномада белгиланган муддатларда ҳисоблайди.

Бу тоифага ижтимоий соҳа объектларини ҳокимликлар балансига берган корхоналар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги «Идораларга бўйсунадиган ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сон қарорига кўра ижтимоий соҳа объектларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасаруфига ўтказилиши назарда тутилган. Ушбу қарорга биноан ижтимоий соҳа объектларини 1998 йил 1 январгача бўлган муддатда ўз балансидан ҳокимликлар балансига ўтказиши керак бўлган вазирликлар ва идоралар рўйхати назарда тутилган ва аниқ объектлар кўрсатилган.

Рўйхатда кўрсатилмаган корхоналар балансида ижтимоий соҳа объектлари бўлиши мумкин. Агар бундай объектлар юқорида кўрсатиб ўтилган қарорнинг 1, 2, 3-иловаларига биноан рўйхатга киритилмаган бўлса, унда бу объектлар бошқаларга берилмайди. Шунинг учун солиқ ҳисоб-китоби табақалаштирилган тарзда амалга оширилади.

Ушбу корхоналар бўйича ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар зарур:

1. Корхонанинг ўз ижтимоий-маданий объектларини тутиб туриш учун амалдаги харажатлари суммаси.

2. 2-«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» шакли бўйича 170-сатр билан 180-сатрда кўрсатилган суммалар ўртасидаги фарқ сифатида олинган якуний сумма.

3. Солиқнинг корхонанинг ўз ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш учун амалдаги харажатлари асосида ҳисоб-китоб қилинган суммаси.

4. Амалда бюджетга тўланиши лозим бўлган сумма.  
**Мисол орқали кўриб чиқамиз.**

Бунинг учун олдинга амалга ошириладиган ҳисоб-китоб тамойилини аниқлаб олиш керак.

Корхона мабодо ўз балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмагани ҳолда бюджетга қанча суммадаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаши кераклиги ва унинг бундай объектларни тутиб туриш учун амалда қанча харажатлар қилганлигини белгилайди.

Шундай қилиб, масалан, *А корхонаси*. Йилнинг биринчи чорагида болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари 200 минг сўмни ташкил этди. 170-сатр бўйича солиқ солинадиган даромад 600 минг сўмдан иборат. Даромад солиғи суммаси: 180-сатр — 300 минг сўм. Даромад солиғи ставкаси — 35 фоиз. (Агар корхона даромад солиғи ҳисоб-китобида имтиёзли ставкани қўлласа, унда ушбу ҳисоб-китобда у ана шу ставкани қўллаши лозим). Ҳисоб-китобни амалга оширамиз.

1. Солиқ солинадиган даромаддан даромад солиғи суммасини айирамиз

$$600 - 300 = 300 \text{ минг сўм.}$$

2. Сўнгра болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари суммасини даромад солиғи ставкасига кўпайтирамиз

$$200 \times 35\% = 70 \text{ минг сўм.}$$

